

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК _____

БОЗОРОВ ОТАБЕК ЭРКИНОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ
ОРГАНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

5А240101 – Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви (Конституциявий ҳуқуқ;
маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқи; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи)
мутахассислиги бўйича

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: ю.ф.н., доц. Ш. Асадов

ТОШКЕНТ – 2015

Мундаража

КИРИШ	3
I боб. Ижро этувчи ҳокимияти органлари ва уларни ташкил этиш назарий-ҳуқуқий жиҳатлари	10
1.1. Давлат ҳокимияти тизимида ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар фаолиятининг тавсифи	10
1.2. Мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият органлари ташкил этилишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари.....	21
I боб бўйича хулоса	32
II боб. Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ташкилий-ҳуқуқий асослари	35
2.1. Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимияти органларини ташкил этиш конституциявий-ҳуқуқий асослари.....	35
2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	41
2.3. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.....	52
II боб бўйича хулоса	59
III боб. Мамлакатимизни модернизациялаш шароитида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	61
3.1. Ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда Бош вазир фаолиятини кучайтириш масалалари	61
3.2. Ўзбекистон Республикасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларини ташкил этишга оид амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масалалари.....	67
III боб бўйича хулоса	74
ХУЛОСА	76
Фойдаланилган дабиётлар рўйхати	80
ИЛОВА	

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси олдида қўйган асосий мақсадларга эришиш учун, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлашнинг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатларини, ҳокимият бўлиниши тизимидаги ўрни ва ролини кучайтириш бўйича босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда 2002 йил 4 апрелда ва 2007 йил 11 апрелда мос равишда қабул қилинган “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”¹ги ҳамда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”²ги Конституциявий қонунларнинг қабул қилиниши ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этилишини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Президент И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузасида республикамызда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича билдирилган таклифлар мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида қараш мумкин. Юртбошимиз ушбу маърузада мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибаларимизни ҳолисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 60-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда

оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини таъкидлаган ҳолда, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб бердилар¹. Шулар асосида 2011 йил 18 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”²ги, 2014 йил 16 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 102 ва 117-моддаларига)”³ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилди.

Айнан ушбу ислохотлар натижасида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти ҳуқуқий жихатдан такомиллашиб бормоқда. Ушбу жихатлар бугунги кунда ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этилишини илмий жихатдан таҳлил этиш, бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишни ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мавзунинг долзарблиги қуйидаги жихатларда намоён бўлади:

Биринчидан, юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, ўтган давр мобайнида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этилиши босқичма-босқич такомиллаштириб боришмоқда. Келгусида ҳам ушбу институтни янада демократлаштириш жараёнларини давом эттиришга доир илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур ҳисобланади.

Иккинчидан, ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этилишига оид нормалар ҳозирги ҳолатга келгунига қадар, бир неча марта ўзгаришларга учраган. Ушбу янгиланишларнинг моҳиятини ўрганиш, ислохот натижаларини таҳлил қилиш, давлатчилик тажрибаамизнинг ривожланишига тўғри баҳо бериш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.5.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, №16. 159-модда

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, №16. 176-модда.

Учинчидан, шу кунга қадар айнан ушбу мавзуда комплекс равишда илмий тадқиқот олиб борилмаганлиги, шу жараёни тадқиқ этиш долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органлари ташкил этилишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимияти органларини ташкил этиш конституциявий-ҳуқуқий асосларини ёритиб бериш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг таркиби, шаклланиш тартиби ҳамда таркибий тузилмаларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;
- Вазирлар Маҳкамаси таркиби, унинг ўз фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини очиб бериш;
- Ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг ўрни ва ролини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. *Тадқиқот объектини* Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими, Ўзбекистонда бу соҳада орттирилган миллий тажриба ташкил этади.

Тадқиқот предмети Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

1. Мавзу доирасида ўрганилган қарашлар, фикр-мулоҳазалар асосида “ижро этувчи ҳокимият”, “давлат бошқарув органлари” тушунчаларига илмий таъриф ишлаб чиқилди.

2. Ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат бошқарув тизимида тутган ўрни ва роли, ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосий ижро ҳокимияти тизимида ҳукумат бошлиғининг ҳуқуқий мақоми қиёсий жиҳатдан таҳлил этилди.

3. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ижро ҳокимияти тизимида тутган ролини очиқ берилди.

4. Бош вазир ҳуқуқий мақомини белгиловчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш юзасидан миллий қонунчиликка тақлифлар ишлаб чиқилди.

5. Бош вазирнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатини такомиллаштириш бўйича хулосалар ишлаб чиқилди.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Ҳозирга қадар мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ махсус илмий тадқиқот иши олиб борилмаган. Бинобарин, диссертация мавзусига оид илмий изланишларни қуйидаги учта йўналишда кўриб чиқиш мумкин: *Биринчи йўналиш.* Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида тадқиқот ишига оид назарий-методологик жиҳатлар ўз ўрнини топган бўлиб, уларда давлат қурилиши ва бошқарув тизимида ҳамда республикаимизда кечаётган сиёсий-ҳуқуқий

жараёнларда давлат ҳокимияти тизимида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этишни такомиллаштириш қаратилган ғоя ва фикрлар мавжуд¹.

Иккинчи йўналиш. Тадқиқот йўналишдаги умумназарий масалалар А.А.Азизхўжаев, З.М.Исломов, А.Х.Саидов, Х.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев, М.А.Ахмедшаева, З.Т.Воҳидов, С.Қ.Зокиров, Б.И.Жўраев каби ўзбек олимларининг тадқиқотларида² ҳамда С.В.Бахвалов, А.И.Бобылев, А.В.Василенко, К.С.Вельский, Т.Е.Кучерова, Ю.А.Тихомиров, М.В.Баглай, В.Е.Чиркин каби хорижий олимлар асарларида³ ўз ифодасини топган.

Учинчи йўналиш. Ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ҳуқуқий асосларига оид муаммоларни конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи-назаридан ўрганишга қаратилган хорижий ва мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларининг тадқиқотларини киритиш мумкин. Хусусан, Д.Н.Бахрах, Д.Ю.Приймак, А.Коваленко, А.В.Макаренко, М.К.Топоркова, А.В.Шашкова, Н.Н.Калюжный, К.В.Агалов, З.А.Духновская,⁴ Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос

¹Ушбу асарларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида кўрсатилган.

²Қаранг: Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Т.: Шарқ, 1997. – 112 б.; Исламов З. Общество, государство, право. – Т.: Адолат, 2001. – 695 б.; Тожионов У. Одилқориев Х. Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2001. – 752 б.; 196 б.; Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 320 б.; Ахмедшаева М.А. Ҳокимият тизимида ижро ҳокимияти / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. проф. З.М. Исломов –Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 114 б.; Бобоев Х. ва бошқ. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 380 б.; Воҳидов З.Т. Ўзбекистон Республикасида ҳокимият бўлиниши принципнинг амалий ифодаси: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2000. – 25 б.; Зокиров С.Қ. Ўзбекистон Республикасида давлат қурилишининг назарий ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. –Тошкент: ТДЮИ, 2000. – 26 б.; Жўраев Б.И. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари. // Автореф. дис...юрид.фан.д-ри.-Т.:ТДЮИ.2008.- 47 б.; Хусаинов У.Ш. Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. // Автореф. дис...юрид.фан.номз.-Т.:ТДЮИ.2010.- 26 б.

³ Қаранг: Бахвалов С.В. Законодательная технология (некоторые проблемы теории и методологии): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2006. – 22 с.; Бобылев А.И. Источники (формы) права// Право и политика. – Москва, 2003. – №8. – С.18–25.; Василенко А.В. Сущность и принципы правоприменительной деятельности (теоретико-правовое исследование): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1987. – 24 с.; Вельский К.С. О функциях исполнительной власти // Государство и право. – Москва, 1997. – №3. – С.15–19; Кучерова Т.Е. Нормативные акты федеральных органов исполнительной власти (вопросы общей теории): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – 23 с.; Тихомиров Ю.А. Теория компетенции. – М.: Юринформцентр, 2001. – 355 с.; Баглай М.В. Конституционное право зарубежных стран. – М.: НОРМА, 2004. – 832 с.; Чиркин В.Е. Государствоведение. – М.: Юрист, 1999. – 329 с.

⁴ Қаранг: Бахрах Д.Н. Административное право России. – М.: Норма, 2000. – 640 с.; Приймак Д.Ю. Конституционно-правовой статус Председателя Правительства Российской Федерации. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Кроснадар, 2008. – 24 с.; Коваленко А.А. Становление и развитие исполнительной власти в Украине: Автореф. дис. ... д-ра полит. наук. – Киев, 2003. – 47 с.; Макаренко А.В. Государственный комитет в системе органов исполнительной власти: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Киев, 2002. – 18 с.; Топоркова М.К. Конституционно-правовой статус членов Правительства РФ: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – 25 с.; Шашкова А.В. Правительство Испании (организационно-правовые проблемы): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001. – 23 с.; Калюжный Н.Н. Конституционно-правовое регулирование контрольных функций в деятельности

олимлардан Э.Р.Каспаров, Е.Д.Кутыбаева, И.А.Хамедов, С.Йигиталиев, Э.Х.Халилов, А.Рахмонов, А.Хошимхоновнинг илмий изланишларида қисман ёритилган.¹

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Ушбу магистрлик диссертациясида турли илмий тадқиқот методларидан, хусусан қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, тизимли, статистик ва бошқа методлардан фойдаланилган. Тадқиқот ишида муаммога тизимли ёндашилганки, бу ҳол муаммони ижтимоий ҳаётнинг бошқа сиёсий-ҳуқуқий институтлари ва ҳодисалари билан ўзаро муносабатда кўриб чиқишни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида илгари сурилган концептуал, назарий, сиёсий-ҳуқуқий ғоялар ва тамойиллар тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ва унда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялардан: ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этишга оид ислохотлар ва уларни такомиллаштириш жараёнларда; Республика давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалаларни ечимини топишда; ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда; юриспруденциянинг тегишли йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагиларда ўз аксини топади:

органов исполнительной власти Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2003. – 28 с.; Агалов К.В. Система органов исполнительной власти в Российской Федерации: конституционно-правовые основы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2003. – 28 с.; Духновская З.А. Исполнительная власть в Российской Федерации и федеративных государствах Европы: конституционно-правовое исследование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2012. – 26 с.

¹ Қаранг: Каспаров Э.Р. Конституционные основы государственного управления Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1999. – 27 с.; Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент, 1999. – 41с.; Хамедов И.А. Организационно-правовые проблемы совершенствования системы государственного управления в Республике Узбекистан: Автореф. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент, 2004. – 46 с.; Йигиталиев С. Правовой положение Совет Министров ЎзССР. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: 1974. – С.30.; Рахманов А.Э. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 185 б.; Хошимхонов А.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари. // Автореф. дис. ... юрид. фан. номз. – Т.: ТДЮИ. 2008. – 26 б.;

- Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органлари ташкил этилишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганилди;

- Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимияти органларини ташкил этиш конституциявий-ҳуқуқий асослари ёритиб берилди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг таркиби, шаклланиш тартиби ҳамда таркибий тузилмаларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганилди;

- Вазирлар Маҳкамаси таркиби, унинг ўз фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини очиб берилди;

- Ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг ўрни ва ролини тадқиқ қилинди;

- Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, 3 боб, 7 параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 79 бетни, умумий ҳажми 87 бетни ташкил этади.

I БОБ. ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Давлат ҳокимияти тизимида ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар фаолияти тавсифи

Ҳар қандай жамиятда унинг бир меъёрга фаолият кўрсатишини таъминлаш, жамият ва давлат олдида турган вазифаларни бажариш, белгиланган мақсадларга эришиш учун турли давлат ташкилотларининг мавжуд бўлиши ва иш олиб бориши зарур ҳисобланади. Тарихан жуда қисқа муддатда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, мустақил миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланадиган – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди.

Давлат ҳокимиятининг учта асосий тармоқларга бўлиниши демократик ҳуқуқий давлат ҳокимияти тизимини ташкил қилинишида умумэтироф этилган, фундаментал тамойиллардан бири ҳисобланади.¹

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида таъкидлагандек, - “Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда

¹Раҳманов А.Э. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 185 б.

қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди.

Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайитириш кўзда тутилган эди”¹.

Умуман олганда, “Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши” ғояси тарихий бўлиб, милoddан аввалги V – асрда Юнонистонда яшаб ўтган Аристотель давлат тўғрисида сўз юритиб, биринчидан, давлатда маслаҳатлашув асосида қонун қабул қилувчи орган бўлиши; иккинчидан, давлатда қандай мансаблар бўлиши ва улар қайси вазифаларни амалга ошириши, уларни алмаштириш тартиби; учинчидан, суд органлари тўғрисидаги ғояларини илгари сурган².

Инглиз мутафаккири Жон Локк ўзининг “Бошқарув тўғрисида икки трактат” номли асарида ҳокимиятларнинг бўлиниши масаласига тўхталиб ўтган. Жон Локк ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва иттифоқ (федерал) ҳокимиятларга бўлган. Суд ҳокимиятини эса ижро ҳокимияти таркибига киритиб юборган.

Француз мутафаккири Ш.Монтескье ҳокимиятлар бўлиниши назариясини ривожлантириб, ўзининг “Қонунлар руҳи” (1748) номли асарида ҳокимиятлар бўлиниши принципи тўғрисида тўхталган. У ҳокимиятларни учга – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлган. Суд ҳокимиятини Жон

¹Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концессияси// 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисдаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. 19-том.-Т.: Ўзбекистон, 2010. 42-43-бетлар.

² История политических и правовых учений: Учеб. для вузов / Под общ.ред. В.С.Нерсисянца. – М.:НОРМА-ИНФРА, 1999. – С. 286.

Локка ўхшаб ижро ҳокимиятига киритмаган ва унинг таълимотида федерал ҳокимият ҳам йўқ. У ҳокимиятларнинг тенг бўлиши, бир-бирини тўлдириб туриши ва мувозанатда сақлашни мақсадга мувофиқ ҳисоблаб, шундагина сиёсий эркинлик таъминланади ва ҳокимиятнинг зулми йўқолади¹, деб ҳисоблаган. Ижро этувчи ҳокимият француз мутафаккири ғояларига мувофиқ, давлатнинг умумий иродасини рўёбга чиқарадиган орган сифатида намоён бўлиши лозим. Унинг асосий вазифаси фақат қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан чиқарилган қонунларни ижро этишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам у ижро этувчи ҳокимиятни табиатан чекланган деб ҳисоблайди².

Илмий адабиётларда “ижро ҳокимияти” тушунчаси, унинг моҳияти ҳамда олдига қўйилган вазифалар тўғрисида турли фикрлар мавжуд.

А.Э.Рахмановнинг фикрича, ижро этувчи ҳокимият – бу давлат ҳокимияти тизимининг алоҳида мустақил бўғини бўлиб, у Конституция ва қонунлар, давлат дастурлари, парламент қарорлари, давлат бошлиғининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда аниқ мақсадларга йўналтирилган, ташкиллаштирувчи, фармойиш берувчи, тезкор-ижрочилик фаолиятни амалга оширишда омилкорлик ила ҳаракат қилиш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида, ўзининг ваколатлари доирасида мамлакатнинг бутун ҳудуди ёки муайян маъмурий-ҳудудий бирлигида бажарилиши умумажбурий, табиати қонуности ҳисобланган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладиган давлат бошқарув органларининг ягона тизими ҳисобланади³.

Рус олими Б.В.Россинский ижро этувчи ҳокимият тизими ўз табиатига кўра, бутун давлат ҳокимияти тизимини ўзида намоён этиб, давлат

¹История политических и правовых учений: Учеб. для вузов / Под общ.ред. В.С.Нерсисянца. – М.:НОРМА-ИНФРА, 1999. – С. 288.

²Монтескье Ш.Л. Избранные произведения: В 2-х т. М.: Госполитиздат, 1955. – С. 289.

³ Рахманов А.Э. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ 2008. – 19-бет.

ҳоқимиятига хос бўлган барча функцияларни бажаради¹, деб умумий таъриф берса, М.М.Рассолов, ВО.Лучин, Б.С.Эбзеевлар ижро ҳоқимиятининг асосий вазифаси оммавий ҳоқимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) органлари томонидан қабул қилинган қонунларни ижро этиш², деб қисқа ва лўнда таъриф бериб ўтишади.

Н.И.Лазаревский ижро ҳоқимиятини қонун чиқарувчи ва судга нисбатан фарқли жиҳатларини ўрганиб, суд ва қонун чиқарувчи ҳоқимиятга тааллуқли соҳа ўта чекланганлиги (улар фақат қонун ваколат берган соҳалардагина фаолият юритади), маъмурий соҳага эса қонун йўли билан судга ҳам, қонун чиқарувчи ҳоқимиятга ҳам берилмаган барча масалалар тааллуқли бўлишини, бу давлатнинг устувор табиий ваколатини амалга оширувчи тармоғи ҳисобланишини, мазкур тармоқнинг фаолияти ўз мазмунига кўра чегарасиз эканлигини қайд этади³, Н.И.Лазаревскийнинг ушбу фикри бизнингча анча тортишувлидир, маълумки ҳозирги давлатчилик ривожига ижро этувчи ҳоқимият органлари парламент назорати бевосита амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ю.Н. Стариловнинг фикрича, ижро ҳоқимияти ижро (ҳуқуқни татбиқ этиш), ҳуқуқни муҳофаза этиш, ижтимоий-иқтисодий, қонунийликни таъминлаш, тартибга солиш, ҳуқуқ ижодкорлик, юрисдикцион функцияларни амалга оширади⁴.

Фикримизча, ижро этувчи ҳоқимият –Конституция ва қонунларни, Давлат бошлиғининг фармони, фармойиш ва қарорларининг ижросини амалга оширувчи, фуқаролар ҳаёти, жамият фаровонлиги, мамлакат иқтисодиёти ривожланиши учун шароит яратиб берувчи, фуқаро, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминловчи давлат ҳоқимиятининг мустақил тармоғидир.

¹ Б.В.Россинский ушбу функцияларни қуйидаги учта гуруҳга бўлади: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш; назорат қилиш (лицензиялаш, рўйхатдан ўтказиш ва бошқалар); ташкилий-хўжалик функциялар (давлат мулкни бошқариш ва давлат хизматларини кўрсатиш).

² Теория государства и права / Под.ред. М.М.Рассолова, ВО.Лучина, Б.С.Эбзеева. – М., 2000. – С.122.

³ Қаранг: Лазаревский Н.И. Лекции по русскому государственному праву. – С. 22-61.

⁴Старилов Ю.Н. Административное право. Ч.1.Воронеж: Издательство Воронежского государственного университета, 1998. – С.104.

Давлат бошқаруви масалалари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар тизимини таҳлил қилишда давлат бошлиғи билан ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабатлари, айниқса, давлат раҳбарининг ҳукумат ва унинг бошлиғи, ҳукумат аъзолари билан бўлган муносабатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат механизми фаолиятида ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, унинг самарадорлигини ошириш, такомиллаштиришга оид масалалар конституциявий ҳуқуқда жиддий тадқиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимиятида Президентнинг иштироки қай даражада эканлиги, Вазирлар Маҳкамасига мазкур ижро ҳокимияти ваколати тўлақонли равишда тегишли ёки тегишли эмаслиги ҳам асосий масала сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасида ўз исботини топган. Унга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”. Мазкур модда мазмунидан англашиладики, Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимиятини амалга оширишда давлат раҳбарининг ўрни минималлаштирилган даражада яъни, Президентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги функционал статуси ҳар учта ҳокимиятнинг келишилган ҳолда ҳамкорлик билан иш юритишини кафолатлашга қаратилгандир. Бироқ айнан мана шу вазифанинг ўзи ҳам Президентдан жуда катта масъулият ва дипломатизмни талаб этади. Конституция ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши юзасидан давлат номидан кафолат берувчи мансабдор шахс ҳам фақатгина Президентдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига мувофиқ Президентлик бошқаруви (Президентнинг конституциявий ваколатларининг бутун мажмуига кўра) кўп жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият эканлиги аён бўлади.

Бироқ бу масала анча мураккаблиги боис айрим аниқлашларни ҳам тақозо этади¹.

Биз қуйида баъзи ҳуқуқшунос олимларнинг президент институтининг ижро этувчи ҳокимият тизимига кириш кирмаслиги тўғрисида билдирган фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, Б.М.Лазеревнинг фикрича, Президентни ягона ҳокимият функцияларини амалга ошириш мақсадида вакиллик, ижро ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул бўлган давлат ҳокимиятининг олий органи деб ҳисоблаш зарур². М.В.Баглайнинг фикрича демократик ҳуқуқий давлатда доимо ҳокимият тармоқлари бўлиниши принципи амал қилиб, у ҳар қандай мансабдор шахснинг ваколати ҳокимият уч тармоғидан бирига мансуб бўлади³. Президентнинг функциялари уч тармоқ билан ҳам туташади, бироқ уни қонун чиқарувчи ёки суд ҳокимиятига мансуб деб ҳисоблаб бўлмайди. Президентни ижро этувчи ҳокимият билан муносабати бошқа ҳокимият тармоқларидан ажралиб туради. М.В.Баглайнинг фикрича “хатто у ҳокимият уч тармоғидан бирига ҳам кирмайдиган (Франция ва бошқа) ёки Конституциясида унинг мақоми ҳақида умуман сўз юритилмаган (ГФР) мамлакатларда ҳам давлат бошлиғини юридик фан ва амалиёт уни ижро этувчи ҳокимият бошлиғи – деб тан олади. Негаки ҳеч қайси мансабдор шахсга ҳокимиятнинг уч тармоғидан ташқари асосий функция ва ҳокимият ваколатларига эга бўлиш мумкин эмас. Хатто ҳокимият уч тармоққа бўлиниши принципини инкор этмайдиган бундай ҳолатда ҳам давлат бошлиғининг бошқалардан фарқли, ўзигагина хос бўлган ваколатларидан келиб чиқадиган мақоми вужудга келади⁴. К.В.Прохоров ҳам Президентни ижро ҳокимиятига киради деб ҳисоблайди⁵. В.С.Нерсисянц ҳам ҳокимият тармоқлари бўлиниши тизимида Президент ижро ҳокимияти тизимида

¹ Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. Т., «Адолат», 2003, 170-бет.

² Лазарев Б.М. Президент СССР // Государство и право. – 1990. – №7, – С.10.

³ Баглай М. В. Конституционное право Российской Федерации. М.: Изд. группа НОРМА-ИНФРА, 1999. – С.394.

⁴ Баглай М. В. Конституционное право Российской Федерации. М.: Изд. группа НОРМА-ИНФРА, 1999. – С.395.

⁵ Прохоров К.В. Развитие системы органов исполнительной власти в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Москва, 2012. – С.8.

киради¹ – деб ҳисоблайди. З.М.Исломов ҳам Президентлик бошқаруви кўп жихатдан ижро этувчи ҳокимият эканлиги аён бўлади² – деб ҳисоблайди. Г.Р.Маликова Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий сиймоси – бу ижро ҳокимияти институти эканлигини англатади, ижро ҳокимиятини Президент ва ҳукумат амалга оширади³ – деб ҳисоблайди. Фикримизча, Президентнинг Конституциянинг 89-моддасидан ижро этувчи ҳокимият бошлиғи мақоми чиқарилганлиги билан унинг 93-моддадаги ҳамда айрим қонунлардаги, шунингдек Президентнинг №Ф-2118-сонли фармойишига иловалардаги бир қатор ваколатлари ҳамда амалиёт унинг ижро ҳокимиятига оид ваколатларни амалга ошираётганлигидан далолат қилмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки Президентнинг функция ва ваколатларини ўрганганда, унинг давлат бошлиғи сифатидаги ваколатларига ва ижрога оид ваколатларига алоҳида эътибор бериш керак⁴. Ушбу фикрлардан хулоса сифатида айтиш жоизки, бошқа ҳокимият тармоқларига нисбатан Президент ижро этувчи ҳокимиятга яқин.

Айнан Президент ва Ҳукумат ўртасидаги муносабатларнинг конституциявий асосларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Президентнинг ижро ҳокимияти фаолиятидаги иштирокига оид аниқ нормани учратмаймиз (Президентнинг Вазирлар Маҳкамасини шакллантиришдаги ролини истисно этган ҳолда), бироқ “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунининг бир қанча нормалари Президентнинг Ҳукумат билан муносабатлари доирасига нисбатан ойдинлик киритади.

Мисол тариқасида мазкур қонуннинг 13-моддасида мустаҳкамланган Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқи. Давлат раҳбарининг бундай ҳуқуқга эга бўлиши ўзига хос хусусиятга эга. Давлат шакли ва тузилиши ўхшаш бўлган кўплаб давлатлар қонунчилигида

¹ Проблемы общей теории права и государства: Учебник для вузов / Под общ.ред. академика РАН, д. ю. н., проф. В. С. Нерсесянца. — М.: Норма, 2006. — С.688.

² Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Тошкент: Адолат, 2007. — Б.369.

³ Маликова Г.Р. Конституционный процесс развития государства и права // ТДЮИ ахборотномаси. — 2010. — № 6. — Б.56.

⁴ Хусанов О. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. — Тошкент: Шарқ, 1996. — Б.56.

ушбу ҳолат ўз аксини топган бўлиб, мазкур норма Президентнинг мувофиқлаштириш функциясини амалга оширишнинг усул ёки воситаси сифатида намоён бўлади. Биз юқорида таъкидлаб ўтган Президентининг фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланиши бўйича кафиллик функцияси келтириб ўтилган юқоридаги тартиб-таомиллар орқали ҳам қўшимча тарзда таъминланади. Ҳукумат ва давлат бошлиғининг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ юқоридаги масалалар таҳлилидан маълум бўладики, қонун бўйича ижро ҳокимияти Вазирлар Маҳкамасининг зиммасида, аммо мамлакат Президент ҳам мазкур йўналишда муайян компетенцияларга эгадир.

Айниқса, бошқарув фаолиятини амалга ошириш соҳасида Президент ва ҳукуматнинг ваколатлари ўзаро бир-бирига юзма-юз бўлади. Кўп аралаш бошқарув шаклидаги давлатлар Конституциялари Президентга ташқи сиёсат, мудофаа ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, фавқулодда ҳолатлар бўйича ижроия тусдаги ваколатларни амалга оширишни юклайди.

Президент бундай ваколатни бир қатор ижро ҳокимияти органлари фаолиятига раҳбарлик қилиб, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаб амалга оширади. Бу Президентнинг ижро ҳокимиятига оид масалаларда бевосита иштирок этишига яққол мисол бўлиб хизмат қилади. Қоида тариқасида кўп аралаш бошқарув шаклидаги давлатларда Президент ташқи ишлар, ички ишлар, мудофаа, хавфсизлик, фавқулодда вазиятлар бўйича ижро ҳокимияти органларига бевосита раҳбарлик қилади. Бу ҳолат уларнинг Ҳукумат юрисдикциясига тааллуқли бўлмаслигини англатмайди. Мамлакатимизда “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуннинг 7-8-моддаларига асосан Мудофаага ва Қуролли Кучларга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсати ва ҳарбий қурилишининг асосий йўналишларини белгилайди; давлат бошқарув органларининг мудофаа соҳасидаги фаолиятига раҳбарлик қилади. Вазирликларнинг ҳуқуқий мақоми

қонун ҳужжатларида икки хил белгиланмоқда: вазирлик Вазирлар Маҳкамаси тизимига киради, вазирлик Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради (бўйсунди).

1994 йил 16 мартда 140-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Ташқи ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 1-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тизимига кирувчи ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, шунингдек халқаро-ҳуқуқий меъёрларда белгиланган принциплардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи давлат бошқарув органидир. Вазирлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита раҳбарлигида амалга оширади¹. Вазирлик Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирсада Низомнинг 2-бандида вазирлик ўз фаолиятида амал қиладиган ҳужжатлар келтирилган бўлиб, уларнинг ичида Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомда эса Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ҳукуматига бўйсунди,-деб белгиланган².Шунингдек, қонун ҳужжатларида айрим вазирликларнинг ҳайъатларида вазир билан ҳайъат ўртасида келишмовчилик келиб чиқса, бу ҳақда Президентга ахборот берилиши ҳақида қоидалар берилган³.

2005 йил 4 февралда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида” ги Ф-2118-сон Президент фармойиши имзоланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармойиш қабул қиладиган энг муҳим йўналишлар ва масалаларнинг рўйхати, асосий қоидалари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан

¹ "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 1994 й., N 3, 16-модда.

² "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 1991 й., N 10, 36-модда.

³ "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2003 й., N 8, 79-модда.

келишиладиган Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиб олишга тақдим этиладиган принципиал параметрлар, муҳим баланслар ва соҳалараро ҳисоб-китоблар рўйхати тасдиқланди. Бу ҳам Президентнинг айрим ваколатлари босқичма-босқич равишда ҳукуматга ўтаётганлиги, мамлакат ҳаётида ҳукуматнинг роли ва таъсирини кўтариш, ваколатларни аниқлаштириш, ҳукуматда ташаббускорлик ва масъулиятни янада ошишига хизмат қилди. Бунда оғир ва ўта масъулиятли ишлар давлат бошлиғи зиммасида бўлиши инобатга олинди. Конституциянинг 89-моддасидан “Ўзбекистон Республикаси Президенти айти вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади” деган жумла чиқарилиши, Бош вазирга Вазирлар Маҳкамаси аъзолари таркибини тасдиқлаш учун Президентга тақдим қилиш ваколати берилиши, Бош вазирнинг Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлиши конституциявий жиҳатдан белгиланиб, мамлакатда Бош вазир ва умуман, ҳукуматнинг роли ва шу билан бирга, масъулияти кучайтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси билан қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонун ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги Қонунга биноан сайловлар натижасида Қонунчилик палатасида ўз фракциялари ва маҳаллий кенгашларда депутатлик гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партияларнинг ҳукумат раҳбари ва вилоят ҳокимларини сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифасидан четлаштиришда фаол иштирок этиши, шу орқали ижро ҳокимияти фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиши, бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ўрнатиш, қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис ва жойлардаги маҳаллий

кенгашларнинг ваколатини, шулар қаторида ижро ҳокимияти, шу жумладан, ҳукуматнинг мустақиллигини ошириш, шу билан бирга, Президентнинг ваколат ва вазифаларига ўзгартиришлар киритиш ва уларни қисқартириш, ҳуқуқий меъёрлар доирасида аниқ белгилаб олинди.

Президент ижро этувчи ҳокимият тузилмасини белгилаб беради. Конституциянинг 93-модда 11-бандига мувофиқ, Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади. Бош вазирнинг фикрига қўшилмаслиги мумкинми ёки Президент ўз хоҳишига кўра, Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодлар бўйича тегишли ўзгартишлар киритиши мумкинми деган савол туғилади. Фикримизча, қонун ҳужжатларида буни ва Бош вазир қанча муддат ичида аъзоларни тақдим этиши ва қай тартибда тақдим этишини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш лозим.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг маҳаллий даражада ташкил этилишига тўхталадиган бўлсак, “Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи” дарслигида хорижий мамлакатлар амалиётида маҳаллий ижро ҳокимиятининг икки турини: “маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (сайланадиган)” ва “маҳаллий бошқарув (тайинланадиган)”ни ўзаро фарқланиши айтилади. Унга кўра, маҳаллий бошқарув тушунчаси жойлардаги давлат маъмуриятини ҳамда фуқаролар томонидан сайланувчи органларни яъни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ўз ичига олади, чунки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш маҳаллий бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади¹.

Испания ва Греция Конституциясида, “маҳаллий ўзини ўзи бошқариш” деган ибора ишлатилмайди. У ерда “маҳаллий маъмурият” категорияси қўлланилади. Испания Конституциясининг “Маҳаллий маъмурият тўғрисида”ги 2-бўлим, 8-қисмида юридик шахсларнинг барча ҳуқуқларига

¹Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи: дарслик / Масъул муҳаррир: проф. А.А.Азизхўжаев : ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б. 407.

эга бўлган муниципалитетлар мухторияти Конституция билан кафолатланиши таъкидланади¹. Мазкур мисолдан кўринадики, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳар бир давлатнинг тарихий, маданий ривожланиши натижасида турлича ташкил этилади. Х.Алдерфернинг фикрича, маҳаллий ҳокимиятни ташкил этишнинг учта модели: француз, инглиз ва совет моделлари мавжуд². Айрим олимлар маҳаллий бошқарувнинг англо-саксон ва континентал тизимларга бўлинишини таъкидлайдилар³. Буюк Британия, Канада, АҚШ, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия ва бошқа бир қанча мамлакатларда англо-саксон тизими амал қилади. Франция, Италия, Голландия, Португалия, Бельгия, Испания ва бошқа Европа давлатларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг француз тизими қўлланилади⁴.

Умуман олганда мазкур таснифлашлар ўзининг муайян асосларига эга. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари давлатнинг тузилиш шаклига мувофиқ ҳар бир давлатнинг миллий давлатчилик тажрибаси асосида ташкил этилади.

¹ Ясюнас В.А. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. –М.:, 1998. С.93.

² Alderfer H.F. Local Government in Developing Countries. Annals of the American Academy of Political and Social Science .Vol. 356, The Non-Western World in Higher Education, 2014, p. 194. <http://www.jstor.org/stable/1035645>.

³ Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳукуқи: дарслик / Масъул муҳаррир: проф. А.А.Азизхўжаев : ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б. 411.

⁴ Ясюнас В.А. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. -М.: Ось-89, 1998. С.92.

1.2. Мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият органлари ташкил этилишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари

Мамлакатимиз ҳудудида дастлабки давлатчилик асослари милоддан аввалги биринчи мингйилликка бор тақаладики, ўша даврдан бошлаб давлат бошқаруви аста-секинлик билан ривожланиб бори. Қадимги Бактрия, Қадимги Хоразм қабила-иттифоқ давлатлари, Кушон давлати, Сомонийлар, Салжукийлар, Қорахонийлар давлати, Хоразмшоҳлар давлати, Мўғиллар давлати, Амир Темур ва Темурийлар давлати, Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари каби давлатлар ўзбек давлатчилигининг пойдеворлари ҳисобланади. Уларнинг ҳаммасида ҳам давлат бошқаруви мавжуд бўлган. Айниқса ўрта асрлар Амир Темур ва темурийлар давлатининг давлат бошқаруви ўзига хос бўлган. Хусусан, “Темур тузуклари”да давлат бошқарувининг изчил тизими берилади, унинг бошида чексиз ҳокимиятга эга бўлган амир туради. Амир аҳоли ва армияни ўзи мустақил бошқаради, барчи масалалар бўйича ўзи мустақил қарор қабул қилади, қонунлар чиқаради. “Бошқарув ишларида-дейилади “Темур тузуклари”да- қўшин ва халққа алоқадор ишларда ҳукмдор ҳеч кимнинг ҳатти- ҳаракатлари ва сўзларига амал қилмаслиги лозим”.¹ Энг муҳим давлат масалаларини Темур жамиятнинг олий табақалари вакилларида ташкил топган кенгашда муҳокама қилган, лекин якуний ҳукмни ўзи чиқарган.

Мансабдор шахсларга талабнинг кучлилиги “Тузуклар”нинг асосий қоидаларидан бири бўлган. “Доно вазир,- дейилади “Тузуклар”да,- доимо давлат аҳолисини, халқ бахтини, қўшинни кучайтиришни, тўкин-сочинликни ўйлайди”².

Амир Темур салтанатни бошқаришда йирик масалалардан тортиб, оддий масалаларгача алоҳида эътибор бериб, уларни тартибга солган.

¹Темур тузуклари // Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж; Б.Аҳмедов таҳрир. остида/. Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.-144 б.

² Темур тузуклари // Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж; Б.Аҳмедов таҳрир. остида/. Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.-144 б.

Амир Темурнинг тўрт вазири бўлиб, уларнинг вазифалари махсус конунларда аниқ кўрсатиб қўйилган бўлган. Уларнинг тўртталови ҳам ҳар куни девонхонада ҳозир бўлганлар.

Темурийлар давлати парчаланиб кетгач, унинг ўрнини муносиб даражада боса оладиган, барқарор давлат бошқарувига эга бўлган давлат юзага келмади. XVI-XIX асрнинг охиригача мамлакатимиз ҳудудида тарқок бошқарувга эга бўлган Бухоро хонлиги, амирлиги ҳамда Қўқон ва Хоразм хонликлари вужудга келди. Бу давлатларнинг бошқарув тизими бир-бирига яқин бўлиб, барча ҳокимият ҳукмдор қўлида йиғилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Ўрта Осиёнинг анча қисми Россия томонидан босиб олинади.

Туркистон Россияга қўшилмагани билан бу ерда мустамлака бошқарув вужудга келади. Олий "миллий" ҳукумат ўрнини бевосита Россия императори томонидан тайинладиган генерал-губернатор ҳукумати эгаллайди. Генерал-губернаторга жуда катта ҳуқуқлар берилган, биринчи генерал-губернатор Кауфманвинт ваколати бирор- бир ҳужжат билан белгиланмаган эди. Ўлкани бошқариш асосан ҳарбийлар қўлида бўлган. Генерал-губернатор ўлкани ободонлаштириш учун нимани лозим деб билсаҳамма чораларни кўриши мумкин бўлган. Чор Россияси мустамлакаси бўлиб турган ўша даврда мамлакатимизда ривожланиб келган давлат бошқарувининг тарихий илдизлари қирқиб ташланди.

XX асрнинг биринчи чорагида вужудга келган Ўзбекистон ССР мустамлака давлат бўлсада, мамлакатимиз ҳудудида давлат бошқарувининг нисбатан ривожланган кўриниши эди. Унда ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи ҳукумат фаолият юрита бошлади ва ушбу ҳукумат Ўзбекистон ҳудудида замонавий кўринишдаги ижро этувчи ҳокимият вужудга келганини тасдиғи эди. II Умумроссия Советлари съездида ташкил этилган РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ишчи ва деҳқонларнинг биринчи ҳукумати ҳисобланиб, рамзий маънода ижро ҳокимияти олий органи тарихидаги илк

“хукумат” номини олди. Унинг моҳияти синфийликка асосланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

1925 йил 17 февралда Ўзбекистон ССР Советларининг таъсис мажлиси яқунланиши билан республика Советлари Марказий Ижроия Қўмитасининг Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгашини ташкил этишга қаратилган биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда ҳукуматни тузишга қаратилган дастлабки ғоялар илгари сурилган бўлиб, унинг таркиби раис, раис ўринбосари, 10 нафар халқ комиссарлари, 3 нафар умумиттифок халқ комиссарларининг бошқарув вакилларидан иборат қилиб белгиланди¹.

1927 йил 30 мартада бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Советларининг II съездида Ўзбекистон ССРнинг биринчи Конституцияси (Асосий қонуни) қабул қилинди. Ушбу Конституция давлат бошқарувида ижро ҳокимиятининг юқори органи тушунчасини конституциявий норма асосида мустаҳкамлади. Конституциянинг олтинчи боби “Ўзбекистон ССР Халқ Комиссари Кенгаши тўғрисида” деб номланган бўлиб, у ўз ичига ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақомини белгилашни қамраб олган эди. Ўзбекистон ССРнинг биринчи ҳукумати “Халқ Комиссарлари Кенгаши” (ХКК) деб номланиб, коллегиаллик принципи асосида фаолиятини ташкил этди. Шу ўринда, Ўзбекистон ССР даврида илк ҳукуматнинг шаклланиш тарихига қисқача тўхталиб ўтсак. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бу даврда ижро ҳокимиятининг ўзига хос жиҳати шунда эдики, у Марказий Ижроия Қўмитаси Кенгаши ҳузурида ташкил этилар эди. Ўзбекистон ССР Конституциясида ушбу органнинг ваколат муддати аниқ белгилаб берилмаган. Бу эса, ўз навбатида ваколат муддати тугаш тартиби ва янги Халқ Комиссарлари Кенгашини шакллантириш тартибини ўрганишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Адабиётларда келтирилган маълумотлардан чиқарилган хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, ХКК ҳар 4

¹Чарыяров У. Совет Министров Узбекской ССР. –Ташкент: Фан, 1983. –С.13.

йилда янгидан шакллантирилган¹. Бу эса, унинг ваколат муддати 4 йил эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси –Ўзбекистон ССРда умумий бошқарувни амалга оширувчи, ижро этувчи ва бошчилик қилувчи орган – Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгашини ва алоҳида тармоқларни бошқариш учун халқ комиссариатларини ташкил этади².

Ўша даврда ҳукумат сифатида янги ташкил этилган Халқ Комиссарлари Кенгашининг ички тузилиши ва иш тартиби айрим белгиларига кўра ижро ҳокимиятининг юқори органи бўлган. Э.Ҳ.Халиловнинг таъкидлашича, 1927 йилги Конституцияга биноан Ўзбекистон ССР Советларининг съездлари, Марказий Ижроия Қўмитаси, Марказий Ижроия Қўмитаси Раёсати ва Халқ Комиссарлари Кенгаши Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи органлари эди³.

Айтиш жоизки, Халқ Комиссарлари Кенгашига Раис бошчилик қилган ва унинг ўринбосарлари мавжуд бўлган. Ушбу ҳолатни бугунги кундаги мавжуд Вазирлар Маҳкамаси билан қиёсий ўрганиш мумкин. Бироқ Конституцияда “раис ўринбосари” лавозими белгиланган, уларнинг миқдори ва асосий фаолият йўналишлари аниқ белгиланмаган. Юқорида санаб ўтилган Халқ Комиссарлари Кенгаши аъзолари фаолият йўналишидан келиб чиқиб, у фақатгина мамлакатнинг ички сиёсатини амалга оширган дейиш мумкин. Яъни, хавфсизлик, мудофаа ташқи ишлар масаласида халқ комиссарлари белгиланмаган. Ҳар бир халқ комиссарлиги бошлиғи Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши аъзоси – халқ комиссари ҳисобланган. Ҳар бир комиссар ҳузурида, унинг раислигида коллегия ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши томонидан тайинланган ва лавозимидан озод этилган.

¹Чарьяров У. Совет Министров Узбекской ССР. –Ташкент: Фан, 1983. –С.19.

²Конституция Узбекской ССР. –Самарканд: Издание Юридического Издательства СНК УзССР, 1927. –С.VIII.

³ Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сахта вакилликдан ҳақиқий Парламентаризмга қадар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –Б.36.

У.Чориёровнинг қайд этишича, ўша даврдаги давлат қурилиши амалиётига хос жиҳат шунда эдики, Совет ҳукумати халқ томонидан билвосита сайланар эди. Бевосита халқ томонидан сайланган ва тўлиқ унинг олдида жавобгар бўлган Олий Кенгаш шакллантирилган. Шундай бўлса-да, ҳукумат халқ олдида жавобгар ва унинг назоратида бўладиган ҳамда унинг эрки ва манфаатини ҳимоя қилувчи субъект сифатида баҳоланган¹.

Ижро ҳокимиятининг олий органи бўлган ҳукумат дастлаб Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши номи билан ўз фаолият бошлаган бўлса, 1946 йил 15 мартдаги Собиқ Иттифоқ Олий Кенгашининг “Халқ Комиссарлари Кенгашини Вазирлар кенгаши этиб ҳамда иттифоқдош ва автоном республикалардаги Халқ Комиссарлари Кенгашини Вазирлар Кенгаши этиб қайта ташкил этиш тўғрисида” ги Қонуни асосида 1946 йил 27 мартда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Республика Халқ Комиссарлари Кенгашини Вазирлар Кенгаши этиб қайта ташкил этиш тўғрисида фармон қабул қилди. Бу эса, навбатдаги тузилажак ҳукуматни “Вазирлар Кенгаши” номи билан шакллантиришга ҳуқуқий асос бўлди.

Умуман айтганда, Ўзбекистон ССРда ҳукуматнинг шакллантирилиши замонавий давлатнинг бевосита кўринишини эслатсада, бу тузумнинг моҳияти синфийликка асосланганлиги ва у давлат ҳокимиятларининг бўлиниш принципига амал қилмаслигида нодемакрatik давлат хусусиятларини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан демократик кадриятларга асосланган янги типдаги давлат ҳокимиятини шакллантириш имконияти туғилди. Миллий давлатчилики шакллантиришдаги ислохотлар Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг тамойиллари ва йўналишлари асосида амалга оширилди.

Президентимиз И.Каримов мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ, барпо этилаётган миллий давлатчилигимиз келажаги ҳақидаги: - “янги

¹Чарыров У. Совет Министров Узбекской ССР. –Ташкент: Фан, 1983. –С.16.

жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз, унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоғи керак.... Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади – қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига. Бу принципларга амал қилмасдан туриб, ҳеч қачон ҳуқуқий давлатга эришиб бўлмайди.... Айни замонда, агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эрklarини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо этади”¹, каби ғоялари ўтиш даврининг умумий тавсифини белгилайди десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Иттифоқ таркибида турган вақтдаёқ, давлат органларининг фаолиятини жонлантириш, такомиллаштириш учун бир қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, шу даврда энг заиф ва ваколатсиз давлат органига айланиб қолган, унинг фаолиятини барқарорлаштирилмасдан туриб мақсадга эришиб бўлмайдиган ижро этувчи органларнинг фаолияти, тизимини такомиллаштириш чоралари кўрила бошланди. Мисол тариқасида, Ўзбекистонда Собиқ Иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб 1990 йил мартда Президентлик лавозими таъсис этилганлигини кўрсатиш мумкин².

Президент давлат бошлиғи ва айни пайтда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам бошлиғидир. Шунинг учун Президент лавозимининг таъсис этилиши, фақат олий ва марказий ижро ҳокимиятини мустаҳкамлаш бўлмай, айни пайтда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятни ҳам мустаҳкамлаш, деб қаралса тўғри бўлар эди. Вилоят ва туманларда ҳоким лавозимининг таъсис этилиши ижро этувчи ҳокимиятни мустаҳкамланишининг ифодасидир³.

1990 йил 1 ноябр куни Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 15.

² Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият: (ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар). – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 27.

³Қаранг: Уразаев Ш.З. Власть и закон. Т.: Фан, 1993. – С.135.

ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Натижада президентлик ҳокимияти билан Вазирлар Кенгашининг ижроия – бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилиб, у Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди.¹ Президент бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлиб қолди, Президент ва ҳукумат бирлаштирилди.

Дарҳақиқат, мамлакатнинг асосий ривожланиш тараққиёт йўли белгиланадиган пайтда ягона мустаҳкам бошқарув тизими амал қилиши керак эди. Бунда эса Президент асосий юкни ўз зиммасига олиб, ҳокимият тармоқларининг белгилаб олинган стратегик мақсадлардан оғишмай ҳаракат қилишини таъминлаши зарур эди. Мана шундай оғир бир вазиятда ҳаёт Президент И.А.Каримов зиммасига давлат ва жамиятнинг мураккаб, оғир ички ва ташқи сиёсий шароитларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалаларини ҳал қилувчи, унинг туб ислохотчиси бўлишдек ниҳоятда оғир вазифани юклади. Ана шундай маъсулиятли вазифа юртбошимиз томонидан юксак ишонч билан бажарилди. 1992 йил 4 январьда эса, Вице-президент лавозими ўзини оқламагач, ушбу лавозим тугатилди ва унинг ўрнига Бош вазир лавозими таъсис этилди. Мустақилликнинг илк йилларида Ҳукумат фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб, 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонун хизмат қилар эди.

Ижро ҳокимиятининг асосий фаолият йўналишларини белгилаб берувчи ушбу қонунда Вазирлар Маҳкамасининг тамомила янгича асосдаги шакллантирилиш тартиби, ҳуқуқий мақоми, фаолият йўналишлари, вазифалари ва ваколатларини зиммасидан соқит қилиш масалалари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда дастлаб ижро этувчи ҳокимият фаолиятини мувофиқлаштириб туриш ва раҳбарлик қилиш замон талабидан келиб чиққан ҳолда Президент томонидан амалга оширилган бўлса, давлат бошқаруви

¹Президентнинг 1990 йил 15 ноябрдаги Фармони билан Вазирлар Маҳкамасининг халқ хўжалиги, ижтимоий соҳа ва маданиятининг асосий комплексларига мос келадиган тузилмалари ташкил этилди ва уларнинг навбатдаги ҳамда истиқболдаги вазифалари белгиланди. // Совет Ўзбекистони, 1990 йил, 21 ноябрь.

тизимидаги бир қатор ислохотлар натижасида ижро ҳокимияти соҳаси ҳам янада эркинлаштирилди. 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра, ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Қонунга¹ мувофиқ, Конституциянинг қатор бобларига, жумладан, XIX бобнинг 89-моддасидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси Раиси” дейилган қоида олиб ташланди. Бунга асосан, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига раҳбарлик қилиш, у томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг ижросини таъминлаш Бош вазир зиммасига юклатилди. Ушбу қоидаларнинг барчаси 2003 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунда ҳам ўз аксини топди.

Ҳокимият идоралари фаолияти ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳаёт билан ҳамоханг тарзда такомиллашиб бориши зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 27 январь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги ўз маърузасида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги эндиги энг муҳим вазифа сифатида “Бош вазир ва умуман, мамлакат Ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, масъулиятини кучайтириш” лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди². Бу борада ҳамянги нормаларни қабул қилиш билан боғлиқ ишлар бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89 моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-модданинг 2-қисмига) тuzатишлар киритиш тўғрисида”ги

¹“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 24.04.2003 й. 470-II-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 3-4-сон, 27-модда.

²Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –Б. 179

қонунининг қабул қилиниши муносабати билан давлат бошлиғи ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, дейилган норма олиб ташланди.

Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ижро ҳокимияти тизимида Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиби ва механизмнинг жорий этилгани давлат қурилиши соҳасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Яна фуқаролар манфаатини ифода этувчи сиёсий партияларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳам бир қарра ортиди. Ушбу ислохотлар натижаси ўлароқ халқ хоҳиш истаги парламент билан Ҳукуматни ташкил этишда асосий ҳал қилувчи куч бўлди ҳамда жамият ҳаётида Ҳукумат ва Бош вазирнинг роли ва масъулияти ортиди.

Навбатдаги ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида баён этилган муҳим ҳолатлар билан изоҳланади.

2011 йил 18 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”¹ги Ўзбекистон Республикаси қонун қабул қилинди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, №16. 159-модда

палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этиши Конституциямизда ўз ифодасини топди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши белгиланди. Шунингдек, Бош вазир фаолиятига нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилди. Президентнинг ижро этувчи ҳокимият девонини тузиши ва унга раҳбарлик қилиш ваколати ҳам чиқариб ташланди.

2014 йил 16 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 102 ва 117-моддаларига)”¹ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Конституциянинг 98-моддаси бутунлай янги таҳрирда баён этилди. Янги ўзгартишга кўра, Бош вазирга энди Президент топшириғисиз ҳам халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўриш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, Конституция 93-модда биринчи қисми 10-бандида Президент томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод қилиш асослари аниқлаштириб берилди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида жавобгар бўлган органлар кетма-кетлиги ўзгардики, агар аввал Конституциямиз 98-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида жавобгар бўлган органлар қаторида авваламбор Ўзбекистон Республикаси Президенти сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси белгиланган бўлса, ўзгартишга кўра авваламбор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президенти белгиланди. Мазкур ўзгартиш оддий давлат ҳокимияти органлари жойи ўзгарганигина эмас, балки ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий урғу парламентга берилаётгани, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортаётгани, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдидаги жавобгарлиги ошаётганлигини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти устидан

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, №16. 176-модда.

парламент назорати кучаяётгани, давлат бошқарувига фуқароларнинг, улар томонидан сайланган вакилларнинг таъсири тобора кўпайиб бораётганини англатади.

I боб бўйича хулосалар

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин:

1. Ижро этувчи ҳокимият –Конституция ва қонунларни, Давлат бошлиғининг фармони, фармойиш ва қарорларининг ижросини амалга оширувчи, фуқаролар ҳаёти, жамият фаровонлиги, мамлакат иқтисодиёти ривожланиши учун шароит яратиб берувчи, фуқаро, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминловчи давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғидир.

2. Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясидан келиб чиқадиган бўлсак, ваколатлари жиҳатидан Ўзбекистонда президентлик институти бошқа ҳокимиятларга нисбатан ижро этувчи ҳокимиятга яқин институтдир. Бироқ, юридик жиҳатдан Президент ижро этувчи ҳокимият таркибига қирмайди.

3. Ўзбекистонда бир қатор ижро ҳокимияти органлари (мудофаа ва хавфсизлик, жамоат тартиби, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ташқи ишлар ва б.) фаолиятига Президент бевосита раҳбарлик қилади. Бу унинг конституциявий мақоми (Қуролли Кучларнинг Олий бош қўмондони, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўриш) ҳамда мамлакатнинг ўтиш даври хусусиятлари билан изоҳланади.

4. Президент ўз хоҳишига кўра, Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодлар бўйича тегишли ўзгартишлар киритиши мумкинми деган савол туғилади. Фикримизча, қонун ҳужжатларида буни ва Бош вазир қанча муддат ичида аъзоларни тақдим этиши ва қай тартибда тақдим этишини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш лозим.

5. Ўзбекистон ССРда ҳукуматнинг шакллантирилиши замонавий давлатнинг бевосита кўринишини эслатсада, бу тузумнинг моҳияти синфийликка асосланганлиги ва у давлат ҳокимиятларининг бўлиниш принципига амал қилмаслигида нодемакратик давлат хусусиятларини кўришимиз мумкин.

6. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида жавобгар бўлган органлар кетма-кетлиги ўзгардики, агар аввал Конституциямиз 98-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида жавобгар бўлган органлар қаторида авваламбор Ўзбекистон Республикаси Президенти сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси белгиланган бўлса, ўзгартишга кўра авваламбор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президенти белгиланди. Мазкур ўзгартиш оддий давлат ҳокимияти органлари жойи ўзгарганигина эмас, балки ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий урғу парламентга берилаётгани, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортаётгани, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдидаги жавобгарлиги ошаётганлигини, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти устидан парламент назорати кучаяётгани, давлат бошқарувига фуқароларнинг, улар томонидан сайланган вакилларнинг таъсири тобора кўпайиб бораётганини англатади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимияти органларини ташkil этиш конституциявий-ҳуқуқий асослари

Ҳар қандай давлат тараққиётининг асоси, изчил ривожланишининг гарови унда зарур ҳуқуқий пойдеворнинг етарли даражада мавжудлиги ҳамда унинг сифати, шунингдек мамлакат аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлиги ва шу каби бошқа омиллар билан белгиланади. "... агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин"¹, деганда Президентимиз И.Каримов ҳақ эдилар. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ юртбошимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг Президент раҳбарлиги остига ўтказилганлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида эса якка бошчилик принципига асосланган, ўзига хос шарқона ижроия маҳкамаси ҳисобланган ҳокимлик институтининг киритилиши шубҳасиз давлат қурилиши соҳасидаги ютуқларимиздандир.

Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташkil этишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XX-XXI боблари ҳисобланади. Ушбу конституциявий нормалар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни²да ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Регламентида³, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 11 сентябрда қабул қилинган

¹ Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 15 б.

² Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., №5-6, 38-модда

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон, 55-модда.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонуни¹ да ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”²ги қарорида янада такомиллаштирилди.

Мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини қуйидаги тартибда ўрганишни лозим топдик. Ижро ҳокимиятининг олий органи сифатида Вазирлар Маҳкамасини, жойларда ижро ҳокимиятини амалга оширувчи маҳаллий ижроия органларини ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Биз шу асосда ижро этувчи ҳокимият органларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини кўриб чиқамиз.

Вазирлар Маҳкамасини ташкил этишнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи нормалар иерархиясида Конституция асосий ўринни эгаллайди. Ҳукумат фаолияти жуда ҳам кенг қамровли ва муҳим бўлишига қарамасдан унинг фаолияти Конституциямизда биргина модда яъни 98-модда орқали мустаҳкамланган.

Конституция Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек Бош вазирнинг асосий вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқлари шунингдек мажбуриятлари сифатида қуйидагиларни умумий тарзда белгилайди:

❖ самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

❖ фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 1-2-сон, 11-модда.

❖ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

❖ Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

❖ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

❖ Вазирлар маҳкамаси ҳамда Бош вазир Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси коллегиял орган ҳисобланади ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғидан иборат. Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш кейинги йилларда янада демократик кўриниш олди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимиغا номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир лавозимиغا номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиляётганда ва тасдиқланаётганда

Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади”¹.

Ўзининг функционал хусусиятларига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам бевосита ижро этувчи ҳокимият таркибидадир. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилиш жиҳатдан 14 та субъектдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-104-моддаларини қамраб олган. Охирги йилларда маҳаллий ижро ҳокимияти органларини шакллантириш масалаларида ҳам кўплаб янги тартиб қоидалар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78,80, 93, 96, 98-моддаларига қўшимча ва тузатишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 102-моддаси бўйича Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими ҳудуднинг олий мансабдор шахси бўлиб, айна бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятига раҳбарлик қилади. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди¹” деб белгиланган. Мазкур нормадан англашиладики, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам бевосита қонунларнинг ижроси билан шуғулланади. Асосий ижро билан боғлиқ ҳаракатлар ҳоким ва унинг аппарати томонидан таъминланади, халқ депутатлари кенгашлари эса вакиллик функциясини амалга ошириш жараёнида ҳудудни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини ҳам назорат қилиб боради. Кенгашларнинг сайловлар орқали шакллантирилишини назарга олган ҳолда кўпчилик унинг фаолиятини ижро этиш билан боғлиқ эмас деб ҳисоблайди. Бироқ, кенгашлар фаолиятига ҳоким томонидан бошчилик қилиниши, шунингдек кенгашлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар асосан қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга қаратилганлиги юқоридаги фикрни инкор этади. Ҳукумат фаолияти билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар бир бири билан шу қадар боғлиқки, айнан ижро структурасини мазкур маҳаллий органларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

¹“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ҳукуматнинг шакллантирилишига оид масалалар давлат қурилиши ва бошқарувида шу қадар муҳим ўрин тутадикки, унинг иш фаолиятининг оптимал ва мукаммал кўринишга келтирилиши ижро ҳокимияти шаклланиши ва ривожланишининг энг асосий хусусиятларини ўзида акс эттирган ҳолда мамлакатни иқтисодий-ижтимоий, маданий жиҳатдан барқарорлигини таъминловчи давлат механизмининг самарадорлигини оширади. Давлат аппаратининг таркиби сифатида умумий тарзда давлат органига баҳо берилсада, бироқ унинг ҳаракатлантирувчи кучи бу шубҳасиз аниқ доирадаги шахслардир. Яъни, Вазирлар Маҳкамасининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни илдамлик билан адо этиши, шунингдек, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ва ҳуқуқларини таъминлаши бевосита унинг шахсий таркибига яъни, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига боғлиқдир. Аъзо сифатида тайинланаётган мансабдорнинг шахсий ва ишчанлик фазилатларининг қанчалик юқори эканлиги, жамият ва давлат манфаатларини ўз манфаатидан устун қўя олиши Ҳукумат фаолиятининг ярим муваффақиятидир. Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишидаги ислоҳотлар ҳам шунга қаратилмоқдаки, эндиликда Ҳукуматни шакллантириш бир пайтнинг ўзида парламент, давлат раҳбари шунингдек Бош вазирнинг ўзи иштирокида амалга ошадиган модел асосида олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бу борадаги ислоҳотларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилди. Унинг айнан биринчи йўналишида илгари сурилган масалалардан энг асосийси сифатида Бош вазир номзодининг парламент қуйи палатасига томонидан кўрсатилишини таъкидлаш лозим. Концепциядан келиб чиққан ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиб, Бош вазирнинг сайланишини тартибга солувчи қисм қуйидаги мазмунга эга бўлди: Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади¹.

Амалга оширилган ушбу ислохот орқали нафақат ижро ҳокимиятининг шаклланиши янада демократик кўриниш олди, балки парламент палаталарининг шунингдек, сиёсий партияларнинг фаоллиги ошиб, эндиликда улар Ҳукумат фаолияти устидан аввалгидан ҳам кенгроқ назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бош вазир лавозимининг эндиликда парламент иштироки билан шакллантирилиши Ўзбекистон Республикасининг хусусий модели сифатида баҳоланмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида Бош вазирнинг сайланиши ва у орқали бутун бир Ҳукуматнинг умумий тарздаги ҳуқуқий асоси ва унинг шаклланишини тартибга солувчи махсус конституциявий норма фақат 98-

¹“Халқ сўзи”, 2011 йил 19 апрель.

моддадан иборат бўлсада, Олий Мажлис фаолиятига оид 78, 84-моддаларда, Президент ваколатларига оид 93-моддалар таҳририда ҳам Ҳукумат шакллантирилишига оид нормаларнинг мустаҳкамланганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ҳукумат, яъни Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти тизимида ўта муҳим ўринга эга эканлигини инобатга олсак, Асосий қонундан ажратилган биргина модда унинг моҳиятини очиб бера олмайди. Айнан шунинг учун ҳам Ҳукумат фаолиятини махсус тартибга солиш учун органик қонун қабул қилинган. Ушбу қонунда Вазирлар Маҳкамасининг шаклланишига оид муносабатлар Конституцияга қараганда кенгроқ белгиланган бўлиб, унда нафақат Бош вазир, балки унинг ўринбосарлари, вазирлик, давлат қўмиталари раислари ҳамда уларнинг ўринбосарларининг қай тартибда лавозимлариги тайинланишига кўрсатиб ўтилган.

Конституция ва соҳага доир қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ҳукумат аъзолари қуйидаги тартибда шакллантириладилар:

Бош вазир –Ҳукумат бошлиғи номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Партия томонидан таклиф этилган номзод дастлаб, мамлакат Президентига тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади. Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколоти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунларга биноан, парламент палаталари биргаликда 20 та масалани ҳал

этадилар. Бош вазирни тасдиқлаш билан боғлиқ жараён ҳам улардан энг асосийси бўлиб ҳисобланади. Бош вазир палаталарнинг биргаликдаги ваколати натижасида тасдиқлансада, ҳар бир палата алоҳида мажлисларда бу масалани ҳал этади. Қонунчилик палатасида номзодни кўриб чиқиш масаласи “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги¹ 2003 йил 29 августда қабул қилинган Қонун асосида ҳал этилади. Мазкур қонуннинг 22-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси мазкур тақдимнома киритилган кундан эътиборан етти кун ичида Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди унинг учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган ҳисобланади. Бордию, тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти барча фракциялар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Бош вазир лавозимиغا номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади. Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Демак, қонунчилик палатаси томонидан мазкур масала қабул қилинганидан сўнг, оддий масалалар сингари тўғридан-тўғри юқори палата Сенатга эмас, балки мамлакат Президентига юборилади. Президент эса ўз навбатида қуйи палата томонидан тасдиқланган Бош вазир номзодини охириги босқич сифатида Сенатга тақдим қилади. Сенат томонидан мансабдор шахслар, жумладан Бош вазирни сайлаш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Қонунининг 18-модда²си

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда

²Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда

орқали тартибга солинади. Ушбу қонуннинг мазкур моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан унинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди унинг учун Сенат аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда Сенат томонидан тасдиқланган ҳисобланади. Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Сенатнинг Бош вазир номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори қабул қилиниши билан Бош вазир тайинланган ҳисобланади.

Агар Қонунчилик палатаси томонидан номзоднинг тасдиқланмаса, Президент томонидан фракциялар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказилиши мумкинлигини юқорида таъкидлаб ўтилди. Номзод иккинчи марта тақдим этилганида ҳам Қонунчилик палатаси ёки Сенат томонидан у рад этилганида Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир номзодини вақтинча бажарувчини тайинлайди ва қайси палата икки маротаба рад этган бўлса, шу палатани тарқатиб юборади. Эътибор берадиган бўлсак, мазкур ҳолатда Бош вазир номзоди Президент томонидан вақтинчалик муддатга тайинланади. Палатани тарқатиб юбориш тўғрисида Президент қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч ой ичида парламент палатасини шакллантириш борасида янгидан сайлов ўтказилади. Палата тўлиқ шаклланиб, ўз ишини бошлаганидан сўнг, Бош вазир номзодини кўрсатиш, уни тасдиқлаш одатдаги ва қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга

нисбатан “ишончсизлик вотуми” билдириш ҳақидаги масаланинг таклиф этилиши ривожланган демократик мамлакатлар давлат бошқарувининг конституциявий-ҳуқуқий амалиёти бўлиб, ушбу қонданинг амалга киритилиши орқали Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг жамоатчилик, яъни парламент олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини оширишга хизмат қилиб, ҳокимиятларнинг “ўзаро тийиб туриш ва қарама қарши таъсир кўрсатиш” механизмининг амалда тадбиқ этилишига кенг шарт – шароитлар яратиб берилди. Шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганар эканмиз, айрим мамлакатларда “ишончсизлик вотуми”ни ҳукуматнинг исталган аъзосига билдириш нормаси ўрнатилгани маълум бўлади. Хусусан, Дания Қироллиги Конституциясининг 3-қисм 15 параграфида министрга нисбатан Фолкинг томонидан билдирилган “ишонсизлик вотуми”, унинг ишдан кетишига сабаб бўлади, Греция Конституциясининг 84-моддасига кўра, парламент ўзининг “ишончсизлик вотуми” билан ҳукумат ёки унинг аъзоларидан бирини “ишонч вотуми”дан маҳрум этиши мумкин, Швеция Конституциясининг XII боб 4-параграфида Риксдаг министрга “ишончсизлик вотуми” билдириши ҳақида ёзилади, Эстония Республикаси Асосий қонунининг 65-моддасида Рийгикогу пример-министр ёки министрга нисбатан “ишончсизлик вотуми” тўғрисидаги қарор қабул қилиши ҳуқуқига эга эканлиги акс эттирилган, Польша Республикаси Конституциясининг 144- ва 158-моддаларида Сейм томонидан Министрлар Кенгашига ёки алоҳида министрга нисбатан “ишончсизлик вотуми” билдириши мумкинлиги мазмунидаги норма ўрнатилган. Шу маънода олганда, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, “кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини ошириш, қонун чиқарувчи олий органнинг Вазирлар Маҳкамаси фаолияти устидан назорат функциясини кучайтириш, уларнинг самарали биргаликдаги фаолият олиб бориши, шунингдек мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг

вазифаларини амалга оширишда миллий қонунчилигимизга ҳукумат аъзоларига ҳам “ишончсизлик вотуми”ни билдириш нормасини киритиш парламент назорати самарадорлигини оширишга ва ҳукумат аъзоларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга эришишимизга имкон беради.

Вазирлар Маҳкамасининг бошқа аъзоларини шакллантириш (Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, Давлат қўмитаси раислари ва б.) тартибини қўйида қўриб ўтамыз.

Бош вазир тасдиқланганидан сўнг, Вазирлар Маҳкамасини шакллантирилишининг кейинги босқичига ўтилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қўра, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида таъкидлаб ўтилган бошқа аъзоларини тайинлашда янги шакллантирилган Бош вазирга кенг ваколатлар берилган. Бош вазир лавозимга тайинланиб, ўз вазифаларини амалга оширишга киришганидан сўнг, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини тайинлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади. Президент томонидан тақдимномада кўрсатилган номзодлар бирма-бир ўрганиб чиқилади ва маъқул келганидан сўнг фармон орқали тасдиқланадилар. Парламент сайловларидан кейин Ҳукумат янги шакллантирилаётганида Вазирлар Маҳкамасининг барча аъзолари Президентнинг битта фармони орқали тасдиқланадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида вазирлик ва давлат қўмиталари раҳбарларини шакллантириш бўйича аниқ қонун-қоида белгиланмаган, бироқ Президент ва парламент ваколатига тааллуқли бўлган нормаларнинг айримларида мазкур масала ўзини ечимини топган. Жумладан Конституциянинг Президент ваколатларини белгиловчи 93- ва Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи 98-моддаларида Давлат раҳбари – Президентнинг Ҳукумат аъзолари яъни Бош вазир ўринбосарлари, вазирликлар ва давлат қўмиталари раҳбарларини Бош вазир тақдимига мувофиқ лавозимларига тасдиқлаш ваколати мустаҳкамлаб қўйилган. “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси 5-қисмига мувофиқ, вазирлик ва давлат қўмиталари

раҳбарлари билан бир қаторда уларнинг ўринбосарлари ҳам Президент томонидан лавозимларига тайинланадилар ва озод этиладилар. Давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тасдиқлайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бугунги кундаги таркибига этибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон²ига кўра, Ўзбекистон Республикаси Прнзиденти таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қарорлариги мувофиқ Бош вазир лавозимига тасдиқланган Ш.М.Мирзиёев ва Вазирлар Маҳкамасининг янгидан шаклланган таркиби тасдиқланган бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг биринчи ва 5 та ўринбосари (шулардан 1 таси муайян вазирлик раҳбари, 2 та давлат қўмитаси раиси, 1 та муайян соҳалар бўйича комплекс раҳбари, 1 та акциядорлик компанияси боршқаруви раиси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисидан иборат), барча вазирликлар, давлат қўмиталарининг раҳбарларидан иборат. Ҳаммаси бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси таркибига 27 аъзо кирди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ҳам Вазирлар Маҳкамасининг таркибига лавозими бўйича киритилди. Ўзининг ҳуқуқий ҳолатига кўра вазирга ва вазир ўринбосарига тенглаштириладиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи раҳбарлари Ҳукуматнинг расман

¹Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., №5-6, 38-модда

²Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2015 й., №2, 86-модда

тасдиқланган таркибига киритилмаганлар. Қиёсий равишда келтириб ўтадиган бўлсак, Россия Федерациясининг ҳукумати таркиби федерация субъектлари ҳукумати раҳбарлари, ҳукумат бошлиғи ўринбосарлари, давлат қўмитаси раҳбарларидан иборат бўлиб қолмай, балки министрлар кенгашининг аппарат бошлиғидан ҳам иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумат бошлиғи – Вазирлар кенгашининг раиси ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киришини инобатга оладиган бўлсак, унинг ҳам шакллантирилиш жараёни ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини қўришимиз мумкин. Қорақалпоғистон Республикасининг 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган Конституциясининг 88-моддасига мувофиқ, Вазирлар Кенгашининг раиси номзоди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси томонидан тақдим этилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Жўқорғи Кенгес томонидан лавозимига тайинланади.

Вазир ва қўмита раисининг ўринбосарлари, давлат ҳокимияти ва бошқарувига оид бошқа орган раҳбарлари Ҳукумат аъзолари ҳисобланмасаларда, ижро ҳокимиятининг самарали фаолият олиб бориши учун бевосита масъул шахс эканлигини инобатга олиб, улар мамлакат раҳбари томонидан тайинланадилар. Ижро ҳокимияти органлари тизими шаклланишида Президентга кенг қамровли ваколатлар берилиши ҳокимиятлар бўлиниши принципининг бузилиши деб баҳоланмаслиги лозим. Ижро органлари шаклланишида Президент шахсан иштирок этаётган бўлсада, бошқарув борасида Президентнинг ўрни минимал даражада яъни, ушбу органлар устидан бошчилик Президент эмас, балки Ҳукумат раҳбари томонидан олиб борилади.

Ҳукуматни шакллантиришнинг ҳориж тажрибаси ўрганар эканмиз, ҳукуматни шакллантириш жараёни, қоида тариқасида мамлакатнинг бошқарув шакли билан белгиланишини ва уни шакллантириш асосан

парламентар ва нопарламентар усулларда амалга оширилишини кўришимиз мумкин.

Ҳукуматни шакллантиришнинг парламентар услуб парламентар ва аралаш бошқарув шаклидаги мамлакатларда қўлланилади. Ҳукуматни шакллантиришнинг парламентар услуби турли хил кўринишларга эга, бироқ жаҳонда инглиз модели энг машҳурдир. Мазкур услубда ҳукуматни парламентда ёки унинг қуйи палатасига (икки палатали парламент амалда бўлган мамлакатларда) бўлган сайловларда ғолиб чиққан ва парламент таркибида кўпчилик ўринни эгаллаган партия, коалиция ёки блокнинг лидери шакллантиради. Бунда парламентга ўтказилган сайловлардан сўнг (муддатидан олдин тарқатилиб юборилган ҳолларда ҳам), парламентда аввал ҳокимият тепасида турган партия вакиллари кўп ўрин эгаллаган тақдирда ҳам, ҳукумат янгидан шакллантирилади. Ҳукумати мазкур усулда шакллантириладиган мамлакатларда мавжуд бўлган ўзига хос хусусият, бу янги президент сайловининг ўтказилиши ҳукуматни қайтадан шакллантирилишини талаб этмайди.¹

Одатда, парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган партия лидери давлат бошлиғи томонидан расмийлик нуқтаи назаридан ҳукумат раҳбари этиб тайинланади. Ҳукумат раҳбари этиб тайинланган шахс ҳукуматнинг таркиби ва унинг фаолият дастурини парламент тасдиғига тақдим этади. Ҳукумат таркиби парламент "ишончини" олгандан сўнг, давлат бошлиғи партия лидерини ҳукумат раҳбари - бош вазир (пример министр) этиб тайинлаганлиги тўғрисида расмий қарор қабул қилади. Баъзида ҳукумат парламент тасдиғидан ўтибоқ давлат бошлиғининг қарорини кутмай ўз ваколатларини амалга оширишга киришади.

Агар парламентда биронта ҳам партия кўпчилик ўринни эгалламаган бўлса, ҳукуматни шакллантириш жараёни бир мунча мураккаблашади. Бу ҳолатда давлат бошлиғи партия лидерлари билан коалицион ҳукумат тузиш

¹А.А.Азизхўжаев ва муаллифлар жамоаси, Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳукуқи, дарслик.-Т.: ТДЮИ, 2010 й. 479-б.

ҳамда ким унга раҳбарлик қилиши мумкинлиги хусусида музокаралар олиб боради. Ҳукуматни шакллантиришда “ишончсизлик вотуми” мамлакатимиз қонунчилигига киритилиши парламентни ҳукумат устидан назорат қилиш имкониятларини оширди. Хориж тажрибасида яна “ишонч вотуми” тушунчасини кўришимиз мумкин, бунда қўллаб - қувватлаш ҳукумат раҳбари, унинг таркиби ва фаолият дастурига ишонч вотуми шаклида расмийлашади. парламентнинг бундай “ишончи”ни олиши учун ҳукуматга бир мунча муддат белгиланади. Ҳукумат шакллангандан сўнг дарҳол ўз вазифаларини бажаришга киришади, лекин у муайян вақт оралиғида парламентнинг ишонч вотумини олиши шарт бўлади. Италияда бу вақт - 10 кун, Чехияда - 30 кун. Агар белгиланган вақт давомида ҳукумат вотумга эриша олмаса, у қонуний ҳисобланмайди ва истеъфога чиқади.¹

Бош вазир мавжуд бўлмаган ҳолларда унинг ўринбосарларидан бири Бош вазир вазифасини бажариши қонунчиликда ўзининг аниқ ечимини топмаган. Биргина 15-модданинг бешинчи қисмида Бош вазир йўқлигида унинг вазифасини Бош вазир ўринбосарларидан бири бажариши белигиланган бўлса-да, буни етарлича тартибга солинган деб бўлмайди, агар Бош вазир ўринбосари ҳам маълум сабабларга кўра бўлмаганда қай йўл билан тартибга солинади. Россия Федерациясининг “Россия Федерацияси ҳукумати тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида вақтинчалик бажарувчи қайси ҳолатларда тайнланиши ва бундай ҳолатда бошқа субъектлар қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозимлиги белгиланган. Жумладан, вақтинчалик Ҳукумат раиси вазифасини бажарувчисига вазифа ёзма равишда тақсимланган ҳолда тайинланади. Агарда у ҳукумат раиси лавозимидан озод этилган ҳолатда тайинланадиган бўлса, ушбу лавозимга Президент тайинлаши ва икки ой муддат ичида янги ҳукумат раиси тайинланиши белгиланган. Шунингдек, Португалия Республикасининг Конституциясининг 185-моддаси²га кўра, агар бош вазир, шу билан биргаликда унинг

¹ А.А.Азизхўжаев ва муаллифлар жамоаси, Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳукуки, дарслик.-Т.: ТДЮИ, 2010 й. 479-б.

² Қаранг: Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. – М.: Юристъ, 1999. – С. 309.

Ўринбосарлари ҳам бўлмаса, вақтинчалик бош вазир сифатида Республика Президенти вазирлар орасидан тавсия этган номзоди ишлаб туриши кўрсатилган. Шу маънода олганда, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири йўқлигида унинг ўрнига тайинланадиган вақтинчалик Бош вазир вазифасини бажарувчи шахснинг ҳуқуқий ҳолати қонунда аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

2.3. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш ҳукукий асослари

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳукукий ва маданий-маърифий соҳаларда ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаси ҳамда юксак халқаро стандартларга мос равишда демократик ривожланиш йўлидан илгарилаб бормоқда. Шу ўринда муҳтарам Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида - "...давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимга барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ мақсадни кўзлаб босқичма - босқич амалга оширилди., маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди - вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди"¹, деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари давлат бошқаруви тизимида аҳолига энг яқин бошқарув бўғини бўлиб, давлатнинг аксарият қонунлари ва дастурлари бевосита мазкур тузилмалар орқали амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида, ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш инновацион дастурлари бевосита маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқилган ва жорий қилинган ҳамда кейинчалик мазкур дастурлар мамлакат миқёсида татбиқ этилган. Шунинг алоҳида эътироф этиш лозимки, норматив-ҳукукий ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳаларининг аксарият қисми бевосита маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза. 2007. 30 август. -Тошкент. 2007. - 11 б.

Мустақиллик йилларида, мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизimini такомиллаштириш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ижро ҳокимияти тубдан ислоҳ қилиниб, яккабошчилик тизимига асосланган ҳокимлик институти жорий қилиниши, ва мазкур институт, жойларда давлат дастурларини ва ҳукуматнинг устувор вазифаларини самарали амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Охириги йилларда маҳаллий ижро ҳокимияти органларини шакллантириш масалаларида ҳам кўплаб янги тартиб қоидалар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78,80, 93, 96, 98-моддаларига қўшимча ва тузатишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 102-моддаси бўйича Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

2007 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни

модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”¹ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида ҳам изчил конституциявий ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишга асос бўлди. Шунга мувофиқ вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлашнинг янги тартиби белгиланди. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиладиган бўлди.

Тегисли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегисли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг, бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга. Номзодлар уч марта рад этилган тақдирда, юқорида келтириб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти тегисли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

¹Ўзбекистон Республикаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007.- №15.- 151-модда

ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари ифода этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 15-бандига “вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади” деган сўзлардан олдин “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан...” деган сўзлар киритилди¹.

Ушбу ўзгартиш, аввало, давлат бошқарувини янада либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар билан боғлиқ. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисмидир. Мазкур ўзгартиш орқали маҳаллий ижро этувчи орган раҳбари, яъни ҳокимни лавозимга тайинлашда марказий ижро этувчи ҳокимият раҳбари бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг иштирок этиш ҳуқуқи таъминланди. Бинобарин, ижро этувчи ҳокимият раҳбари сифатида Бош вазирга ҳокимлар фаолияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш, улар билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларга оид масалаларни ҳал қилишдаги фаолиятини таҳлил қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига биноан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади².

Туман, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 16(464)-сон, 2011. – 160-модда.

² “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда

лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади. Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида уларнинг аппаратлари намунавий тузилмалари 1997 йилдан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланмоқда¹. Бугунги кунда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг аппаратлари намунавий тузилмалари Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 5 январдаги 2-сон Қарори билан белгиланган. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Андижон вилоятлари ҳокимликларининг намунавий структураси ва ходимларининг сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан алоҳида белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 5 январдаги 2-сон Қарорига 2004 йил 6 июлда², 2006 йил 7 ноябрда³ ҳамда 2011 йил 3 январда⁴ ўзгартиш киритилди. Охириги киритилган ўзгартишлар билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида ҳокимнинг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозими таъсис этилди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1997 йил 17 июндаги 301-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сон Қарори.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 317-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 27-сон, 314-модда.

³Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 231-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 45-сон, 446-модда.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 январдаги ПҚ-1456-сон Қарори. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмасини такомиллаштириш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари намунавий тузилмасида қуйидагича белгиланган: ҳоким, унинг иккита ёрдамчиси – биттаси маънавий-маърифий ишлар бўйича, матбуот котиби, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари¹, иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси-ўринбосари, уларнинг котибиятлари ва Умумий бўлим мудир ва ходимлари, шунингдек Ахборот-таҳлил, Ташкилий-назорат, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳлари, ишлар бошқармасининг раҳбарлари ва ходимлари, юрист, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби, тузилмалар ходимлари бош, етакчи ва 1-тоифали мутахассисларга таснифланади.

Маҳаллий ижро органларини шакллантиришнинг ҳорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, асосан ҳорижда маҳаллий ижро органларини ташкил этишнинг уч механизмини кўришимиз мумкин.

Фуқаролар томонидан сайланган вакиллар йиғилиши ижро органининг мансабдор шахсини сайлайди. Масалан, Францияда мэр – ягона ижро органидир. Бундан ташқари коллегиял орган ҳам сайланиши мумкин, масалан, ГФРнинг айрим ерларидаги магистратлар бунга мисол бўла олади. Ижро органларининг фаолият доираси турли мамлакатларда турлича ҳисобланади. Буюк Британияда, шаҳарлар кенгаши мэрни сайлайди, графликлар кенгаши томонидан эса бир йил муддатга раис сайланади.² Бу тартибда маҳаллий ижро ҳокимият органи раҳбарини шаклланишида, катта ваколат маҳаллий кенгашга берилади. Кенгаш маҳаллий ижро ҳокимият

¹ Изох: Аниқ вазиятга (ҳолатга) қараб ҳокимнинг биринчи ўринбосари лавозимига қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларига мутасаддилик қилувчи ўринбосар тасдиқланиши мумкин

² А.А.Азизхўжаев ва муаллифлар жамоаси, Ҳорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи, дарслик.-Т.: ТДЮИ, 2010 й. 576-б.

органи раҳбарини лозим топганда лавозимидан кеткизиши ҳам мумкин бўлади.

Иккинчи кўринишдаги механизмнинг моҳияти - муниципал йиғилиш ва ижро органини алоҳида- алоҳида сайлашдан иборат. Мазкур механизм Япония давлати учун хос ҳисобланади. Бунда префектура губернаторлари, шаҳар мэрлари ва қишлоқ оқсоқоллари аҳоли томонидан сайланади. Бу ҳолатни АҚШнинг бир қатор штатларида, ГФРнинг айрим ерликларида ҳам учратиш мумкин.¹ Ушбу йўл билан маҳаллий ижро ҳокимият органи раҳбарини шаклланишида, муниципал йиғилиш ҳам, ижро органи ҳам аҳоли томонидан сайланишини кўрамиз. Мазкур ҳолатда, сайланган маҳаллий ижро ҳокимияти органи раҳбарининг роли коллегиял вакиллик органининг ролига қараганда анча кучли ҳисобланади. Масалан, Японияда губернатор, мэр ёки оқсоқол ташаббусига кўра, муайян вакиллик органи муддатидан олдин тарқатиб юборилиши мумкин.

Учинчи вариант - сайланмайдиган шахсга ижро ҳокимияти функциясини топшириш:

а) ижро органи функциясини марказий ҳокимият вакили бажаради Франциядаги префект ва субпрефектлар ҳолати бунга мисол бўла олади. Франция департаментидаги префект жуда муҳим шахс бўлиб, у амалда мамурий бирликдаги ижро ҳокимиятини бошқаради, деярли сайланган органга боғлиқ эмас. Бундай тизим нафақат Францияда, балки Осиё, Африка, Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида ҳам учрайди;

б) ижро органи функциясини махсус таклиф этилган бошқарувчи-менежер амалга оширади. Бундай тизим АҚШда кенг тарқалган.² Бундай тартибдаги маҳаллий ҳокимият органларини шакллантириш асосида бизнинг фикримизча, марказий ижро ҳокимиятининг кучлилиги ётади. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига баъзи муҳим масалалар бўйича

¹ А.А.Азизхўжаев ва муаллифлар жамоаси, Ҳорижий мамлакатлар конституциявий ҳукуқи, дарслик.-Т.: ТДЮИ, 2010 й. 576-б

² А.А.Азизхўжаев ва муаллифлар жамоаси, Ҳорижий мамлакатлар конституциявий ҳукуқи, дарслик.-Т.: ТДЮИ, 2010 й. 576-б.

референдум ўтказиш ҳуқуқи бериладигани, бундай ҳолат маҳаллий аҳолига суянмай туриб, қарор қабул қилишдан қўрққан вазиятларда юз беради. Эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимизнинг маҳаллий ижро ҳокимияти органларини ташкил этиш ҳеч бир ҳорижий мамлакатлар тажрибаси билан бир хил эмас. Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органларини ташкил этиш демократик йўл билан амалга оширилади.

II боб бўйича хулосалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин:

1. Ҳукумат фаолияти билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар бир бири билан шу қадар боғлиқки, айнан ижро структурасини мазкур маҳаллий органларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

2. Миллий қонунчилигимизга ҳукумат аъзоларига ҳам “ишончсизлик вотуми”ни билдириш нормасини киритиш парламент назорати самарадорлигини оширишга ва ҳукумат аъзоларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга эришишимизга имкон беради.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири йўқлигида унинг ўрнига тайинланадиган вақтинчалик Бош вазир вазифасини бажарувчи шахснинг ҳуқуқий ҳолати қонунда аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

4. Маҳаллий ижро органларини ташкил этишнинг уч механизмини кўришимиз:

-Фуқаролар томонидан сайланган вакиллар йиғилиши ижро органининг мансабдор шахсини сайлайди;

- муниципал йиғилиш ва ижро органини алоҳида-алоҳида сайланади;

- сайланмайдиган шахсга ижро ҳокимияти функциясини топшириш.

III БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда Бош вазир фаолиятини кучайтириш масалалари

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини тадқиқ этишда аввало, ҳокимиятларнинг уч тармоққа бўлинишига эътибор қаратиш ҳамда унинг асосида ҳар бир ҳокимият тармоғининг ҳуқуқий мақомини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Давлат ҳокимиятлари тизимида ижро этувчи ҳокимиятнинг мустақил тармоқ сифатида ўзига хос ўринга эга. Ижро этувчи ҳокимияти органларини ташкил этишда эса, ҳукумат бошлиғининг ҳуқуқий мақомига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бир гуруҳ олимлар ҳукумат бошлиғини давлатнинг “иккинчи шахси” деб баҳолайдилар¹. Бунда давлат бошлиғи ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолларда ҳукумат бошлиғи вақтинчалик давлат бошлиғи вазифасини бажаришини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаши ва амалга оширишини эътиборга олиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бошлиғи ҳисобланувчи Бош вазирнинг ҳуқуқий мақоми Конституциямизнинг 98-моддаси 5-қисмида, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасида махсус тартибда мустаҳкамланган бўлиб, мазкур қоидалар Бош вазирнинг ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида кенг кўламли ваколатларга эга шахс сифатида характерлайди. Бироқ мазкур қоида мамлакатдаги бутун бир ижро этиш функцияси Бош вазир томонидан амалга оширилишини англатмайди. Эътибор берадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси жамоавий орган сифатида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий

¹Приймак Д.Ю. Конституционно-правовой статус Председателя Правительства Российской Федерации. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2008. – 4 с.

соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

Демак, сиёсий ва маъмурий соҳаларга тўлиқ раҳбарлик қилиш Бош вазир ваколатига кирмайди. Мазкур соҳаларга раҳбарлик Президент ёки қонун билан ваколат берилган бошқа орган ёки шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Бош вазир Ўзбекистон Республикасидаги бутун бир ижро ҳокимиятига эмас, балки Конституция ва қонунлар билан белгилаб қўйилган соҳа ва йўналишларга раҳбарликни амалга оширади. Ҳукумат раҳбарига мутлоқ ваколатлар берилган ҳорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда ҳукумат бошлиғининг бутун бир ижро ҳокимияти устидан раҳбарликни амалга ошириши ҳақидаги нормалар мустаҳкамланади.

Ўзбекистонда эса Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига раҳбарликни, шунингдек, Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган соҳаларга раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди, давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди. Конституция ва қонунларга мувофиқ, Бош вазир Вазирлар маҳкамасининг самарали ишлаши ва фаолият олиб бориши учун шахсан жавобгар бўлади. Вазирлар Маҳкамаси жамоавий орган бўлишига қарамасдан, унинг фаолиятини ташкил этишдаги асосий масъулият бир шахс – Бош вазир зиммасига юкланади.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган¹. Унга мувофиқ, Конституциянинг 98-моддаси ҳамда янги таҳрирдаги қонуннинг 15-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4. 27-модда.

моддасига кўра, “Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, бошқача қилиб айтганда Вазирлар Маҳкамаси Раиси функцияларининг барчасини амалга оширади”, –деб белгиланди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида туб бурилиш ясади. Яъни, Вазирлар Маҳкамасига Президент эмас, балки Бош вазир бошчилик қилиши, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлиши, унинг таркибини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши каби қатор нормалар киритилди. Бир сўз билан айтганда, Бош вазир тўлалигича Вазирлар Маҳкамаси бошлиғига айланди. Бироқ бу ислохотлар ҳукумат фаолиятида Президентнинг ролини бутунлай йўқ қилиб юбормади. Яъни, Президент ҳукумат фаолиятида маълум ваколатларга эга бўлиб қолди.

Шунингдек, бу борадаги ислохотлар ҳам ўзига хос тарзда босқичма-босқич амалга оширилган бўлиб, 2007 йил 11 апрелдаги “Давлат бошқаруви-ни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун билан давом эттирилди.

Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартибини, унинг лавозимдан озод этилиши тартибини ўзгартириш баробарида Бош вазирнинг Президент олдида мустақиллигини кучайтирди. Яъни, ўтмишда Бош вазирни лавозимга тайинлаш Президентнинг ваколати ҳисобланган бўлса, эндиликда Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилиши белгиланди. Демак, бу борада маслаҳатлашув институти

вужудга келди. Лекин Президентнинг ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш ва лавозимларидан озод қилиш ваколатларини сақлаб қолди.

Шуни айтиш керакки, давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар бу билан тўхтаб қолгани йўқ. Жумладан, 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида Ҳукумат, Бош вазир ва Президент ваколатлари ва уларни демократлаштиришга оид қатор ислоҳотлар олға сурди. Бунинг асосида 2011 йил 18 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”¹ги Ўзбекистон Республикаси қонун қабул қилинди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этиши Конституциямизда ўз ифодасини топди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши белгиланди. Шунингдек, Бош вазир фаолиятига нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилди. Президентнинг ижро этувчи

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, №16. 159-модда

ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилиш ваколати ҳам чиқариб ташланди.

2014 йил 16 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 102 ва 117-моддаларига)”¹ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Конституциянинг 98-моддаси бутунлай янги таҳрирда баён этилди. Янги ўзгартишга кўра, Бош вазирга энди Президент топшириғисиз ҳам халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўриш ҳуқуқи берилди.

Бош вазирнинг ҳукумат фаолиятидаги ҳуқуқий мақоми борасида юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар асосида хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ҳукуматга бошчилик қилиш Бош вазирга хосдир. Яъни, Бош вазир бошчилик қилар экан, ҳукуматнинг мустақил орган сифатидаги мақоми ҳамда ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари қонун чиқарувчи ва суд олдидаги масъулияти унинг ўз зиммасига тушади. Бу Президент давлат бошлиғи сифатида Ҳукуматни бошқа органлар қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти олдида ҳимоя қилмайди. Унга Бош вазирнинг ўзи бошчилик қилади ва жавобгарлик келиб чиққанда ўзи ёки бутун ҳукуматнинг таркиби билан жавоб бериши мумкин. Президентнинг ҳукумат фаолиятидаги ваколатлари қисқариши ва бу ваколатлар Бош вазирга ўтказилишини ҳукумат фаолиятида Бош вазирнинг ҳуқуқий мақоми ортиши дея баҳолашимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, Бош вазир лавозимида номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Мазкур конституциявий норманинг самарали ҳаётга тадбиқ қилиниши ушбу масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда ҳар қайси партия

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, №16. 176-модда.

фракциясидан, депутат ва сенатордан каттиқ тайёргарлик кўришни, ўз орқасида турган минг-минглаб одамларнинг дарду ғамларини, муаммоларини, давлатимизнинг келажагини ҳисобига олиб, фикр юритишни тақазо қилади. Киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар сиёсий партияларга ҳам бир қатор имкониятлар беради. Агар улар ҳозирда фақат Бош вазир лавозимига номзоднинг шахсий, иш тажрибасидангина келиб чиқиб, ўз фракциялари орқали муносабат билдирган бўлсалар, эндиликда бўлғуси Ҳукуматнинг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурига ўзларининг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, фракциянинг фикрини, нуқтаи назарини билдириш, уни муҳокама қилиш, тегишли таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритиш, ўз сайловчилари ҳоҳиш-истаклари ва партия манфаатларидан келиб чиқиб, муносабат билдириш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу дастур орқали айрим фракциялар ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда ҳукуматнинг тутган йўли ёки дастурининг айрим қоидалариги нисбатан ўз нуқтаи назарини аниқ белгилаб оли, блок тузиш ва парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин. Янгитдан шакллантирилган ҳукуматни тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар эса ўзларини муҳолифат деб эълон қилишлари мумкин.

Бу борада мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, Бош вазир лавозимига номзодининг парламентга ҳукумат дастурини тақдим этишига ўхшаш тажрибасига Франция, Португалия, Болгария, Польша, Хорватия, Руминия, Словакия каби давлатлар конституциявий амалиётига кенг қўлланилиб, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-

иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши нормасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган маърузаси тасдиқланиши керак ёки ноқераклиги аниқ тарзда белгиланмаган. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, Чехия Конституциясида ҳукумат ўз фаолият йўналишларига доир маълумотларни парламент қуйи палатасига ишонч билдириши учун тақдим этади. Парламент палатаси томонидан Ҳукумат фаолият йўналишлари маъқулланиб тасдиқлансагина уни ижро этиш мумкин бўлади. “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунда шунга оид норманинг мустаҳкамлангани бир томондан Олий Мажлиснинг Ҳукуматга нисбатан ролини оширишга хизмат қилишга қаратилган бўлсада, мазмун жиҳатидан ушбу норма диспозитив характер касб этади.

3.2. Ўзбекистон Республикасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларини ташкил этишга оид амалдаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш

Ижро этувчи ҳокимиятининг миллий структураси сифатида аниқ бир кўриниш ва тизимнинг мавжуд эмаслигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бироқ мазкур ҳолатда Ўзбекистонда ижро ҳокимияти тизимга эга эмас деган маъно англашилмайди. Давлат органларининг функционал хусусиятларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ижро ҳокимияти тизими қуйидаги кўринишга эга: Бош вазир бошчилик қиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, шунингдек ҳокимлар томонидан идора қилинадиган маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари.

Давлат бошқарув органларининг аниқ шакл ва кўринишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини тақомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони¹ билан белгиланган бўлиб, ушбу фармониктисодиётни бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш, шунингдек республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинди ва мазкур фармон тегишли тартиб асосида фаолияти олиб борувчи республика давлат бошқаруви органларининг аниқ чегарасини белгилаб берди. Унга мувофиқ, бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида 15 та вазирлик, 9 та Давлат қўмитаси, 7 та агентлик, 3 та қўмита, 7 та марказ, 7 та инспекция фаолият олиб бормоқда. Шу билан биргаликда, фармонда Республика бошқарув органларининг асосий вазифалари ва функциялари этиб қуйидагилар белгиланди:

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2003 й. 11-12-сон. ПФ-№3358, 8-96. Тошкент 2003 й.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички ҳавфсизлигини таъминлаш;

мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизим фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

солиқлар, божхона тўловларини йиғиш давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

Ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси негизида Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси тугатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил

этиш тўғрисида”¹ги Фармониға биноан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонға асосан эса, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникация вазирлиги ташкил қилинди². Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” фармониға мувофиқ, республика миқёсидаги хўжалик бошқаруви органларининг баъзилари фаолияти тугатилиб, муайян тизимға солинди. Бу, албатта, табиий жараён, чунки давлат бюджетидан молиялаштириладиган вазирликлар сонининг кўплиги, ҳатто энг бой давлатлар хазинаси учун ҳам оғир юк бўлиши аниқ. Бундай ислохотлар бошқарув жараёнини демократлаштириш, бошқарувни марказлаштиришға чек қўйиш, бошқарув аппаратини ихчамлаштириш ва турли ноўрин бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш каби олижаноб мақсадларни кўзда тутиб амалға оширилган. Мана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, мухтарам Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқларида “Авваламбор, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишға қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимға келтириш ва уларға қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш. Яна бир муҳим вазифа — ўзини–ўзи

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2004 й. 9-сон. ПФ-№3491. 75б. Тошкент 2004 й.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи. 2015 йил 6 февраль, №25 (6208). 1 бет.

бошқариш органлари – маҳалла, маҳалла кўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим”¹ дея таъкидлаган эдилар.

Янги ташкил этилган концерн, компания, корпорация каби хўжалик уюшмалари фаолиятининг моҳият ва мазмуни тубдан, бозор муносабатларига мос ҳолда ўзгариши кутилган бўлса–да, бироқ Президентимиз таъкидлаганидек, “... уларнинг моҳияти, иш усули ва услублари амалда деярли ўзгаришсиз қолмоқда”.

Давлат бошқаруви доимо доиравий ривожланишда, шу боис, у фан олдига янгидан – янги масалаларни қўйиши ҳамда бошқарув тизимининг такомиллашуви ва ислохотларни тақозо этиши аниқдир. Бу табиий ҳол, албатта. Зотан, бошқарув жараёнини такомиллаштириш бир марталик тадбир бўлмасдан, балки жамият тараққиёти олдимизга қўяётган янгидан – янги вазифаларни мунтазам ечиб боришнинг динамик жараёнидир. Давлат бошқарув органлари тизими ҳам давлат функцияларининг ўзгариши билан йилдан йилга янгиланиб бораверади.

Мамлакатимиз қонунчилигини ўрганар эканмиз, ҳеч бирида давлат бошқаруви органларига таъриф берилмаганки, бу ҳам баъзи ҳолатларда тортишувли масала бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари тизими бутунлай янгидан ислох этилаётган ва бозор муносабатларига ўтилаётган бир шароитда, давлат бошқаруви органлари ва унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда, шу жиҳатдан давлат бошқаруви органларини назарий жиҳатдан кўриб чиқадиган бўлсак, М. Бойдадаев, - “Давлат бошқаруви – бу ижтимоий бошқарувнинг бир кўриниши бўлиб, жамият деб аталмиш ижтимоий маконнинг бир хислатидир. Жамият тараққиётининг ютуқ ва муаммолари давлат бошқаруви аппарати билан боғланган бўлиб, уларни мустақил фаолият кўрсатувчи тузилма сифатида ўрганиб бўлмайди. Давлат бошқаруви миллий тизимнинг жамият билан

¹Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.:«Ўзбекистон», 2005.-396.

алоқасини, бошқарув моҳиятига нисбатан бўлган ёндашувлар ва тамойилларнинг тарихий изчиллиги орқали кузатиш мумкин. Давлатимиз тарихи унинг миллий институтларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ” - деб таъкидлайди.¹

3. Исломовнинг ёзишича, давлат бошқаруви тушунчаси ижро ҳокимияти тушунчасидан анча кенг ҳисобланади. Бироқ, мабодо сўз ижро ҳокимияти органларининг фаолияти сифатидаги давлат бошқаруви ҳақида кетса, бу ҳолда давлат бошқаруви тор маънода, яъни ижро ҳокимиятини амалга оширишнинг шакли сифатида тушунилади.

Айни пайтда, давлат бошқаруви давлат фаолиятининг бир тури сифатида, ҳам ижро ҳокимияти органлари фаолиятида, ҳам қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятига ҳизмат қилувчи бошқарув аппарат фаолиятида намоён бўлади². Россиялик олим Ю.Н. Старилов эса давлат бошқаруви органлари фақат ижро этувчи ҳокимият вазифасини бажаради³, деб таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, давлат бошқаруви тушунчасини маъмурий ҳуқуқ доирасида ва конституциявий ҳуқуқ доирасида алоҳида қараб чиқиш лозим. Маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан, давлат бошқаруви Республика Президенти, Ҳукумат, ижро этувчи ҳокимият органларининг қуйи бўғини (Вазирлик, Давлат кўмиталари, агентлик, кўмита, марказ, инспекция)ни ҳамда жойлардаги ҳокимликларни ўз ичига олса, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан эса давлат бошқаруви ижро этувчи ҳокимият, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг фаолиятини қамраб олади.

Шулар билан биргаликда мамлакатимизда давлат бошқарув органларининг ташкилий шакллари тушунчаси ёритиб берилмаганини кўрамиз. Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун ташкилий шаклларнинг илмий асосига ва бу борадаги халқаро қонунчиликка таянган ҳолда қуйидагича таърифлаш мумкин.

¹Бойдадаев М. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари: Юрид. фанлари д-ри дис. ... автореф. – Тошкент, 2001. – Б. 19.

² Исламов З.М. Проблема власти: её понимание, назначение, социальная ценность. -Т.:ТДЮИ нашри.2003. - С.139.

³ Старилов Ю.Н., Россинский Б.В. Административное право. 4-изд. М.: Норма, 2009. С. 33.

Вазирлик – Ҳукумат тизимидаги ихтисослашган ижро органи бўлиб, муайян белгиланган соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мамлакат ҳудудидаги ижросини таъминлайди.

Давлат қўмитаси – вазифаларига кўра ижро этишга ихтисослашган бўлсада, ташкилий жиҳатдан ҳокимиятнинг ҳеч қайси бир тармоғига мансуб бўлмаган, давлатнинг асосий функцияларини амалга оширувчи давлат тузилмаси;

Агентлик – ўз хусусиятларига кўра ижро этиш функциясини амалга оширувчи, асосан хизмат кўрсатиш ва ахборот бериш билан шуғулланувчи давлат тузилмаси;

Инспекция – ўз фаолиятида барча давлат органларидан мустақил бўлган, асосан давлат номидан назорат функциясини амалга оширувчи давлат органи.

Давлат органларининг турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклларига берилган мазкур таърифлардан уларнинг аксарияти бир-бирига ўхшаш эканлигини гувоҳ бўламиз. Бу табиий ҳол албатта, чунки қандай ташкилий шаклда бўлмасин давлат органлари яхлит бир тизимни ташкил қилиб, давлат томонидан бажариши лозим бўлган вазифа ва функцияларни турли босқичда, турли хил кўринишларда амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мазкур давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари махсус тарзда мустаҳкамланмаган.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда давлат бошқаруви органлари фаолиятини, тизими, таркиби, уларни раҳбарларини тайинлашни, шунингдек, вазирлик, давлат қўмиталари ва бошқа давлат органларини Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси билан муносабатларини тартибга солувчи қонун қабул қилиш заруратга айланмоқда.. Чунки, мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият органлари шунчалик кенги, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кўрамиз. Аммо давлат бошқарув органларил таркибига қайсилар кириши, фаолият тартиби, мақсад, вазифалари турли қонун ҳужжатлари билан тартибга

солинганки, уларфаолиятида бир-бирини такрорлайдиган ёки инкор этувчи нормаларни учратамиз. Бизнинг фикримизча, яқин йилларда мамлакатимиз парламенти томонидан “Республика давлат бошқаруви органлари тўғрисида”ги ва “Республика хўжалик бошқаруви органлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу қонунларда давлат ва хўжалик бошқарув органлари таркибига қайсилар кириши, уларнинг асосий тамойиллари, мақсади, вазифалари, асосий тушунчаларга шарҳ, хусусан вазирлик, давлат қўмитаси, агентлик, қўмита, марказ, давлат инспекцияси, хўжалик бошқаруви органларига таъриф, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларини тузиш, тугатиш масалалари, уларнинг раҳбарларини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент билан ҳамкорлик масалалари белгиланиши лозим.

III боб бўйича хулосалар

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин:

1. Ҳукуматга бошчилик қилиш Бош вазирга хосдир. Яъни, Бош вазир бошчилик қилар экан, ҳукуматнинг мустақил орган сифатидаги мақоми ҳамда ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари қонун чиқарувчи ва суд олдидаги масъулияти унинг ўз зиммасига тушади. Президент давлат бошлиғи сифатида Ҳукуматни қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти олдида ҳимоя қилмайди. Ҳукуматга Бош вазирнинг ўзи бошчилик қилади ва жавобгарлик келиб чиққанда ўзи ёки бутун ҳукуматнинг таркиби билан жавоб бериши мумкин. Президентнинг ҳукумат фаолиятидаги ваколатлари қисқариши ва бу ваколатлар Бош вазирга ўтказилишини ҳукумат фаолиятида Бош вазирнинг ҳуқуқий мақоми ортиши дея баҳолашимиз мумкин.

2. Давлат бошқаруви доимо доиравий ривожланишда, шу боис, у фан олдида янгидан – янги масалаларни қўйиши ҳамда бошқарув тизимининг такомиллашуви ва ислохотларни тақозо этиши аниқдир. Бу табиий ҳол, албатта. Зотан, бошқарув жараёнини такомиллаштириш бир марталик тадбир бўлмасдан, балки жамият тараққиёти олдимизга қўяётган янгидан – янги вазифаларни мунтазам ечиб боришнинг динамик жараёнидир. Давлат бошқарув органлари тизими ҳам давлат функцияларининг ўзгариши билан йилдан йилга янгиланиб бораверади.

3. Давлат бошқаруви тушунчасини маъмурий ҳуқуқ доирасида ва конституциявий ҳуқуқ доирасида алоҳида қараб чиқиш лозим. Маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан, давлат бошқаруви Республика Президенти, Ҳукумат, ижро этувчи ҳокимият органларининг қуйи бўғини (Вазирлик, Давлат қўмиталари, агентлик, қўмита, марказ, инспекция)ни ҳамда жойлардаги ҳокимликларни ўз ичига олса, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан эса давлат бошқаруви қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти тармоқларининг фаолиятини қамраб олади.

4. Вазирлик – Ҳукумат тизимидаги ихтисослашган ижро органи бўлиб, муайян белгиланган соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мамлакат ҳудудидаги ижросини таъминлайди.

Давлат қўмитаси – вазифаларига кўра ижро этишга ихтисослашган бўлсада, ташкилий жиҳатдан ҳокимиятнинг ҳеч қайси бир тармоғига мансуб бўлмаган, давлатнинг асосий функцияларини амалга оширувчи давлат тузилмаси;

Агентлик – ўз хусусиятларига кўра ижро этиш функциясини амалга оширувчи, асосан хизмат кўрсатиш ва ахборот бериш билан шуғулланувчи давлат тузилмаси;

Инспекция – ўз фаолиятида барча давлат органларидан мустақил бўлган, асосан давлат номидан назорат функциясини амалга оширувчи давлат органи.

5. Мамлакатимизда давлат бошқаруви органлари фаолиятини, тизими, таркиби, уларни раҳбарларини тайинлашни, шунингдек, вазирлик, давлат қўмиталари ва бошқа давлат органларини Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси билан муносабатларини тартибга солувчи қонун қабул қилишнинг вақти етиб келди. Бизнинг фикримизча, “Республика давлат бошқаруви органлари тўғрисида”ги ва “Республика хўжалик бошқаруви органлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида қуйидагиларга келинди ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ижро этувчи ҳокимият –Конституция ва қонунларни, Давлат бошлиғининг фармони, фармойиш ва қарорларининг ижросини амалга оширувчи, фуқаролар ҳаёти, жамият фаровонлиги, мамлакат иқтисодиёти ривожланиши учун шароит яратиб берувчи, фуқаро, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминловчи давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғидир.

2. Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясидан келиб чиқадиган бўлсак, ваколатлари жиҳатидан Ўзбекистонда президентлик институти бошқа ҳокимиятларга нисбатан ижро этувчи ҳокимиятга яқин институтдир. Бироқ, юридик жиҳатдан Президент ижро этувчи ҳокимият таркибига қирмайди.

3. Ўзбекистонда бир қатор ижро ҳокимияти органлари (мудофаа ва хавфсизлик, жамоат тартиби, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ташқи ишлар ва б.) фаолиятига Президент бевосита раҳбарлик қилади. Бу унинг конституциявий мақоми (Қуролли Кучларнинг Олий бош қўмондони, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўриш) ҳамда мамлакатнинг ўтиш даври хусусиятлари билан изоҳланади.

4. Президент ўз хоҳишига кўра, Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодлар бўйича тегишли ўзгартишлар киритиши мумкинми деган савол туғилади. Фикримизча, буни ва Бош вазир қанча муддат ичида аъзоларни

тақдим этиши ва қай тартибда тақдим этишини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш лозим.

5. Ўзбекистон ССРда ҳукуматнинг шакллантирилиши замонавий давлатнинг бевосита кўринишини эслатса-да, бу тузумнинг моҳияти синфийликка асосланганлиги ва у давлат ҳокимиятларининг бўлиниш принципига амал қилмаслигида нодемакратик давлат хусусиятларини кўришимиз мумкин.

6. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида жавобгар бўлган органлар кетма-кетлиги ўзгардики, агар аввал Конституциямиз 98-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида жавобгар бўлган органлар қаторида авваламбор Ўзбекистон Республикаси Президенти сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси белгиланган бўлса, ўзгартишга кўра авваламбор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президенти белгиланди. Мазкур ўзгартиш оддий давлат ҳокимияти органлари жойи ўзгарганигина эмас, балки ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий урғу парламентга берилаётгани, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортаётгани, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдидаги жавобгарлиги ошаётганлигини, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти устидан парламент назорати кучаяётгани, давлат бошқарувига фуқароларнинг, улар томонидан сайланган вакилларнинг таъсири тобора кўпайиб бораётганини англатади.

7. Ҳукумат фаолияти билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар бир бири билан шу қадар боғлиқки, айнан ижро структурасини мазкур маҳаллий органларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

8. “Бош вазир йўқлигида унинг вазифасини Бош вазир ўринбосарларидан бири бажаради”¹деган норма “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси бешинчи қисмида

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 9–10. – 138-модда.

белигиланган бўлса-да, ушбу нормадаги баъзи ноаниқликлар муайян саволлар туғилишига сабаб бўлади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири йўқлигида унинг ўрнига тайинланадиган вақтинчалик Бош вазир вазифасини бажарувчи шахснинг ҳуқуқий ҳолати қонунда аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

9. Давлат бошқаруви тушунчасини маъмурий ҳуқуқ доирасида ва конституциявий ҳуқуқ доирасида алоҳида қараб чиқиш лозим. Маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан, давлат бошқаруви Республика Президенти, Ҳукумат, ижро этувчи ҳокимият органларининг қуйи бўғини (Вазирлик, Давлат қўмиталари, агентлик, қўмита, марказ, инспекция)ни ҳамда жойлардаги ҳокимликларни ўз ичига олса, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан эса давлат бошқаруви қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти тармоқларининг фаолиятини қамраб олади.

10. Миллий қонунчилигимизга ҳукумат аъзоларига ҳам “ишончсизлик вотуми”ни билдириш нормасини киритиш лозим, бу парламент назорати самарадорлигини оширишга ва ҳукумат аъзоларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга эришишимизга имкон беради.

11. Давлат бошқарув органларининг қуйи бўғинининг ташкилий шакллари илмий асосига ва бу борадаги халқаро қонунчиликка таянган ҳолда қуйидагича таърифлаш таклиф қилинади:

Вазирлик – Ҳукумат тизимидаги ихтисослашган ижро органи бўлиб, муайян белгиланган соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мамлакат ҳудудидаги ижросини таъминлайди.

Давлат қўмитаси – вазифаларига кўра ижро этишга ихтисослашган бўлсада, ташкилий жиҳатдан ҳокимиятнинг ҳеч қайси бир тармоғига мансуб бўлмаган, давлатнинг асосий функцияларини амалга оширувчи давлат тузилмаси;

Агентлик – ўз хусусиятларига кўра ижро этиш функциясини амалга оширувчи, асосан хизмат кўрсатиш ва ахборот бериш билан шуғулланувчи давлат тузилмаси;

Инспекция – ўз фаолиятида барча давлат органларидан мустақил бўлган, асосан давлат номидан назорат функциясини амалга оширувчи давлат органи.

12. Мамлакатимизда давлат бошқаруви органлари фаолиятини, тизими, таркиби, уларни раҳбарларини тайинлашни, шунингдек, вазирлик, давлат қўмиталари ва бошқа давлат органларини Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси билан муносабатларини тартибга солувчи қонун қабул қилиш вақти етиб келди. Бизнинг фикримизча, “Республика давлат бошқаруви органлари тўғрисида”ги ва “Республика хўжалик бошқаруви органлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент: Ўзбекистон, 2014 й. – 74 б.

1.2. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 336-XII-сонли қонуни 1991 йил 31 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси.1991 йил.- № 11-14, 246-модда.

1.3. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2003 йил 29 август (Халқ сўзи 7 октябр 2003 йил.).

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 9. – 320-модда.

1.5.Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисидаги” қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002 йил. №4-5. 60-61 модда.

1.6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002 йил, 12-сон, 215-модда

1.7. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабр Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002 йил, 12-сон, 215-модда

1.8. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003, № 3-4, 27-

модда.

1.9.“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 № 15.151-модда;

1.10.Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2007 й № 4. 162-модда

1.11.Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)” ги қонуни. Халқ сўзи, 2011 йил, 19 апрель.

1.12. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98,103 ва 117-моддаларига)” ги қонуни. Халқ сўзи, 2014йил, 16 апрель.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабр Фармони. «Республикада давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 йил. 23-сон. 229-модда.

2.2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабр Фармони. “Хўжалик бошқарув тизимларини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 йил №24. 236-модда.

2.5Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6

июлдаги 317-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 27-сон, 314-модда.

2.6.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 231-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 45-сон, 446-модда.

III. Бошқа меъёрий ҳужжатлар

2.3.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мқ-сон буйруғига билан тасдиқланган. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатмалар. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 173-модда.

2.4.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мқ-сон буйруғи билан тасдиқланган Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 65-модда.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

3.1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

3.2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент:

Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

3.3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

3.4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.

3.5. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

3.6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

3.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999. – 410 б.

3.8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

3.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001. – 432 б.

3.10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002. – 432 б.

3.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.

3.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2004. – 400 б.

3.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005. – 448 б.

3.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.

3.15. Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –

Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. - 318 б.

3.16. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. -366 б.

3.17. Каримов. И.А. Ватанамизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. -Т.17.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. -280 б.

3.18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – Т.18. -264 б.

3.19. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқирлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -348 б.

3.20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқирлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. -320 б.

3.21. Каримов И.А. 2012 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир” деб номланган маъруза // “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 8 декабрь.

3.22. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь.

V. Асосий адабиётлар

- 4.1. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси /масъул муҳаррир А.Азизхўжаев. Т.: ТДЮИ. 2010. 645 б
- 4.2. Конституциявий ҳуқуқ. О.Хусанов. Дарслик. Тошкент: Адолат-2013.- 542 б.
- 4.3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси - Тошкент: ТДЮИ, 2013.- 452 б.
- 4.4. Асадов Ш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТДЮИ.- 2012.- 245 б
- 4.5. Старилов Ю.Н., Россинский Б.В. Административное право. 4-изд. М.: Норма, 2009. С. 459.
- 4.6. Чарьяров У. Совет Министров Узбекской ССР. –Ташкент: Фан, 1983. –С.354.
- 4.7. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2000. – 600 с.
- 4.8. Ясюнас В.А. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. –М., 1998. С.328.
- 4.9. Маликова Г.Р. Конституционный процесс развития государства и права // ТДЮИ ахборотномаси. – 2010. – № 6. – Б.56.

VI. Қўшимча адабиётлар

- 5.1. Хусанов О. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, Шарқ, 1996й.
- 5.2. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.369.
- 5.3. Alderfer H.F. Local Government in Developing Countries. Annals of the American Academy of Political and Social Science .Vol. 356, The Non-Western World in Higher Education, 2014, p. 194.
- 5.4. Проблемы общей теории права и государства: Учебник для вузов / Под общ. ред. академика РАН, д. ю. н., проф. В. С. Нерсисянца. — М.: Норма, 2006. — С.688.

5.5.Баглай М. В. Конституционное право Российской Федерации. М.: Изд. группа НОРМА-ИНФРА, 1999. – С.394.

5.6. Лазарев Б.М. Президент СССР // Государство и право. – 1990. – №7, – С.451.

5.7. Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. Т., «Адолат», 2003, 170-бет.

5.8. Лазаревский Н.И. Лекции по русскому государственному праву. – С. 22-61.

5.9. Теория государства и права / Под.ред. М.М.Рассолова, В.О.Лучина, Б.С.Эбзеева. – М., 2000. – С.122.

5.10. История политических и правовых учений: Учеб. для вузов / Под общ. ред. В.С.Нерсисянца. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1999. – С. 286.

5.11. Монтескье Ш.Л. Избранные произведения: В 2-х т. М.: Госполитиздат, 1955. – С. 289.

VII. Диссертация ва авторефератлар

7.1 Вохидов З.Т. Ўзбекистон Республикасида ҳокимият бўлиниши принципининг амалий ифодаси.: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. –25 б.

7.2 Рахманов А.Э. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. номз. ... дис.автореф. – Тошкент: ТДЮИ 2008. – 194-бет.

7.3 Калинина Л.А. Исполнительная власть в ее организационно-правовых формах (федеральный уровень): Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 1994. – 167 с.

7.4 Каспаров Э.Р. Конституционные основы государственного управления Республики Узбекистан: Дис. ... канд. юрид. наук. – Тошкент, 1999. - 174 с.

7.5 Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Ташкент, 1999. – 291 с.

7.6 Ҳусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва

маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар: Юрид. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 1995. – 278 б.

7.7 Рузметов Х.И. Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2010. – 40 б.

7.8 Бойдадаев М. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2001. - 51 б.

7.9 Елисеев Б.П. Система органов государственной власти в Российской Федерации: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М.: – 1988 – С.31.

7.10 Прохоров К.В. Развитие системы органов исполнительной власти в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Москва, 2012. – С.8

7.11 Приймак Д.Ю. Конституционно-правовой статус Председателя Правительства Российской Федерации. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Кроснадар, 2008. – 4 с.

VIII. Интернет сайтлари

6.1.[http:// .lex.uz](http://.lex.uz)

6.2.<http://www.senat.uz>

6.3.<http://www.gov.uz>

6.4.<http://www.mtdp.uz>

6.5.<http://www.xdp.uz>

6.6.<http://www.adolat.uz>

6.7.<http://www.parliament.uz>

6.8.<http://www.ziyonet.uz>